**Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.
Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

25
(770)-son
22-iyun
www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz
2007

O‘ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Алоқа оламида: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!

Компютер процессорлари ишлаб чиқарувчилар учун катта қулайлик тақдим этилди. Энди улар процессорларнинг иссиқлик чиқаришини камайтиришга бош қотириши шарт эмас. Чунки, Юта университети олимлари овоз ёрдамида иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантирадиган ихчам қурилма ихтиро қилишди. Ушбу механизмнинг ишлаш тартиби икки босқичдан иборат: дастлаб босимни ўлчаш учун овоз тебраниши ҳосил бўлади, сўнгра ўша овознинг босими остида пезоэлектрик элементлар қисилиши натижасида электр токи пайдо бўлади. Ушбу мосламадан нафақат компютер техникасида, балки бошқа ускуналарда ҳам фойдаланиш мумкин.

“Ёш алоқачи” — ўзимизнинг оромгоҳ

Ёзги таътилга чиққан бир гуруҳ болакайлар ҳар йили ўзлари мириқиб ҳордиқ чиқарадиган оромгоҳ дарвозасидан ичкарига киришди-ю, севимли масканларини таниёлмай қолишди.

2-БЕТ

Ушбу сонда:

UNIVERSIADA-2007
3-БЕТ

ИЖОДКОР СЎЗИНИНГ ҚУДРАТИ...
4-5-БЕТЛАР

ТУНИС ПОЧТАСИ
11-БЕТ

ТЕЛЕФОН СЎЗЛАШУВЛАРИ ДАХЛСИЗ...МИ?
13-БЕТ

ИҚТИДОРЛИЛАР КАМОЛ ТОПАЁТГАН МАСКАН
16-БЕТ

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРЛАРИМИЗ
UzNet Internet Service Provider — сифат рамзидир
Sarkor Telecom — юқори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN — JUMAGACHA

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, қишлоқ хўжалиги тизимида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 14-15 июн кунлари Бухоро ва Навоий вилоятларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Бухоро заминига сафарини Ромитан туманидаги "Саттор-Камол" фермер хўжалиги далаларини кўздан кечириш билан бошлади.

Президентимиз Пешку туманидаги Абу Али ибн Сино туғилган Афшона қишлоғида бўлиб, улуғ аллома музейини кўздан кечирди.

Ислом Каримов ўтган йил ишга туширилган Афшона тиббиёт коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари билан учрашди. Юртбошимиз Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди.

Президент Ислом Каримов "Бухоро гилами" Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси фаолияти билан ҳам танишди. Шунингдек, "Сомоний" деҳқон бозорида ҳам бўлди. Юртбошимиз Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйига ташриф буюриб, тарбияланувчилар ва мураббийлар билан суҳбатлашди ҳамда Меҳрибонлик уйига замонавий микроавтобус совға қилди.

Президентимиз сафарининг иккинчи куни реконструкция ва модернизациялаш ишлари амалга оширилаётган Навоий шаҳар аэропорти билан танишувдан бошланди.

Давлатимиз раҳбари Қизилтепа туманидаги "Заргарон баракали ҳосил" фермер хўжалигида бўлиб, ғалла ўрим-йиғимининг бориши билан танишди. Бобожон Каримов раҳбарлик қиладиган хўжалик аъзолари, сўнг Навбоғ қишлоғида деҳқонлар билан суҳбатлашди. Уларнинг яшаш шароити, орзу-режалари билан қизиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисини шу йил 29 июн куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Навоий вилоят болалар кутубхонасида янги тизимга ўтиш жараёни ниҳоясига етди. Март ойида капитал таъмирлаш ишлари тугатилган ушбу Ахборот-ресурс марказига 12та электрон дарслик олиб келинди.

Эндиликда марказ зарурий мебелларга, бой кутубхонага, интернет тармоғига уланган 18та компьютерга эга. Бу ерда, шунингдек, кўчма кутубхона ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Фарғона давлат политехника институтида Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишлаб "Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида бунёдкорлик, маданият ва илм-фан тараққиёти" мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Марғилон юбилейи муносабати билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, шаҳар тарихи, Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида Марғилон шаҳрининг савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ривожидаги аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Шу йилнинг апрел ойида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан боксчинг WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаевнинг махсус жамғармаси ташкил қилинган эди. Яқинда мазкур жамғарма мамлакатимиздаги 70 нафар иқтидорли ёш спортчини ўз грантлари билан тақдирлади.

Пойтахтимиздаги "Юниор форум" Болалар спорт мажмуасида бўлиб ўтган мазкур маросимда ёш спортчилар, уларнинг ўқитувчи ва мураббийлари, ота-оналари қатнашдилар.

XALQARO SEMINAR

Кенг ҳажмли алоқани ривожлантириш масаласи

Кеча пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида "Марказий Осиёда телекоммуникация хизматлари даражасини ошириш учун АКТ ва кенг ҳажмли алоқани ривожлантириш" мавзуида икки кунлик халқаро семинар ўз ишини бошлади.

Унинг очилишида Ўзбекистон ҳукумати номидан Вазирлар Маҳкамасининг ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил Департаменти мудири Асрор Эшонхўжаев сўзга чиқди.

Мазкур семинар кенг ҳажмли уланишнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришдаги аҳамиятини миллий ва минтақавий даражаларда муҳокама қилиш учун АКТ соҳасининг кўзга кўринган мутахассислари ва экспертларини, шунингдек, халқаро ташкилотларни жалб этди.

Тадбир Осиё ва Тинч океани учун БМТ Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Европа учун БМТ Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Осиё-Тинч океани телеҳамжамияти, БМТнинг Ривожланиш Дастури, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, шунингдек, Ўзбекистон IT-ассоциацияси томонидан ташкил этилди. Унда Япония, Озарбайжон, Афғонистон, Бутан, Қозоғистон, Мўғулистон, Россия, Тожикистон, Таиланд, Швейцария каби мамлакатларнинг халқаро экспертлари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, маҳаллий мутахассислар иштирок этишди.

Ташкил этилган тадбирдан кўзланган мақсад Марказий Осиё мамлакатларининг кенг ҳажмли алоқа ва АКТ соҳасидаги яқин ҳамкорлигини ривожлантиришдир. Иштирокчилар кенг доирадаги масалаларни, жумладан, кенг ҳажмли алоқа ва АКТни ривожлантиришга доир асосий масалаларни, глобал ва минтақавий АКТ истиқболларини, кенг ҳажмли алоқа бўйича Осиё дастурини, мобил интернет масалалари, янги технологиялардан фойдаланиб, тақсимлаш тармоқларини ривожлантириш истиқболларини, кенг ҳажмли тармоқларда TriplePlay технологияларини тараққий эттириш билан боғлиқ ва бошқа масалаларни муҳокама қилдилар. Муҳокама натижалари бўйича Тошкент Баёноти қабул қилинди.

Семинарнинг иккинчи кунида "Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамкорликда қатнашувчи -мамлакатларда кенг ҳажмли алоқадан фойдаланиш технологияларини жорий этиш" мавзуида очиқ давра суҳбати ўтказилади.

Ўз мухбиримиз

YOZ — O'TMOQDA SOZ!

"Ёш алоқачи" – ўзимизнинг оромгоҳ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўғил-қизларнинг кўз ўнгида олдинги йиллардагидан ўзгача гўзал бир манзара намоён бўлиб турарди. Мослаштирилган бир қаватли бинолар ўрнида замонавий бинолар қад ростлабди.

Ниҳоятда қисқа фурсат — атиги 8 ой ичида қуриб битказилган бу кўркам иншоотда бунёдкор қурувчиларнинг шижоатли меҳнатлари мужассам. Ушбу маскандаги бир-биридан чиройли биноларга, зилол суви олтин ёз офтобида ярақлаб турган чўмилиш ҳавзасига, кўркам ва баҳаво ошхонага, турли тадбирларни ўтказишга мўлжалланган жойларга, юзлаб китоб фондига эга бўлган кутубхонага, ётоқхоналарга ўрнатилган иситиш-совутиш қурилмаларига боқар экансиз, юртимизда ўсиб келаётган ёш авлод учун барча иш қилинаётганлигига амин бўласиз.

Оромгоҳда ёш дам олувчиларнинг соғлом ва бақувват инсонлар бўлиб вояга етишишлари учун барча шароитлар етарли. Футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдончалари, иккита теннис корти, илиқ сувли ювиниш хоналари улар ихтиёрида. Бундан ташқари, ўқувчи-ёшларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган, уларни компютер сабоқларидан бахраманд бўлишга ундайдиган, қатор фойдали тўгарак машғулотларини ўтказишга мўлжалланган ёруғ ва шинам хоналар борки, буларнинг барчаси раҳбар ва мутахассисларнинг узоқни аниқ кўриши, қўли гул қурувчиларнинг эса машаққатли, айни чоғда шарафли меҳнати ҳосиласи ҳисобланади. Қарийб икки гектар майдонни эгаллаган бу оромгоҳни барпо этишда "Нур-2001" хусусий қурилиш фирмаси қурувчилар бригадаси бошлиғи Отахон Аминов бошчилигидаги Элёр Холмуродов, Алибек Амонов, Жалил Ражабов ва бошқа бир қатор бунёдкорлар ғайрат-шижоат билан меҳнат қилдилар.

"Бухоро Телеком" филиали, Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси, "Автоалоқасервис" корхонаси ишчи-хизматчилари ва ходимларининг жонкуярликларини ҳам бу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Улар ҳам вақти-вақти билан ташкил этилган ҳашарларда фаол иштирок этдилар.

Оромгоҳда болажонларнинг дастлабки гуруҳи — 121 нафар ўғил-қиз мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Тарбиячилар ва етакчилар томонидан болалар иштирокида, айниқса, интерфаол ўйинларни ташкил этишга алоҳида эътибор бериляпти. Дам олишнинг биринчи ҳафтасидаёқ бу ерда "Қўшиқ доимий ҳамроҳимиз", "Энг яхши рақс ижроси учун" кўрик-танловлари ўтказилди. Ситора Ашурова, Достон Ҳамроев, Ситора Ризаева, Нигора Маҳмудова, Мадина Ражабова, Элвира Муляминова сингари ўқувчи ёшлар бу танловларда яхши иштирок этиб, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шунингдек, оромгоҳда "Алло, биз истеъдодларни излаймиз!", "Қувноқ экспресс", "Оромгоҳ маликаси", "Келинг, бир кулишайлик", "Эртаклар — яхшиликка етаклар" деб номланган бир-биридан қизиқарли тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Бухоро давлат кўғирчоқ театри жамоаси мазкур оромгоҳда бўлиб, энг яхши спектакллардан бирини ёш томошабинларга кўрсатиш ниятида. Кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухорога тарихий ва маданий ёдгорликлари ҳам болаларда катта таассурот қолдириши турган гап. Хуллас, "Кичкинтой", "Камалак", "Камолот", "Орзу" деб номланган гуруҳлардаги маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ва бошқа кундалик ишлар шундай йўлга қўйилганки, барчасида болалар фаол иштирок этиб, қувноқ ёзнинг ҳар бир кунини сермазмун ўтказишмоқда.

Яна бир янгилик. Ёзги соғломлаштириш мавсуми тугаши биланоқ ушбу оромгоҳда алоқа соҳасида узоқ йиллар ишлаб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган фахрийларнинг ҳам бир ҳафта давомида филиал ҳисобидан дам олишлари кўзда тутилган. Кейинчалик шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари ишчи-хизматчилари бу хушманзара масканда навбатма-навбат дам олишади.

Асқар ИСТАМОВ,
«Xabar»нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

“УНИВЕРСИАДА”, ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС СПОРТ ОЛИМПИАДАСИДИР.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Кеча “Универсиада-2007” спорт ўйинларига старт берилди. Пойтахтимиздаги муҳташам “Ёшлик” спорт мажмуасида мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Универсиаданинг матонат, шижоат, ёшлик ва дўстлик байрами дейилиши бежиз эмас. Талабалик – олтин давр. Шу даврда ёшлардаги шижоат ва матонат ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ жунбушга келади.

ЮРТИМИЗ БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРИБ...

“Универсиада-2007” ўйинларига катта тайёргарлик кўрилди. Пойтахтимиз бағрида мусобақа баҳона кенг миқёсда ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, халқаро талабларга жавоб берадиган спорт иншоотлари барпо этилди. Бундай бунёдкорлик ишлари Тошкент ахборот технологиялари университетини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Мазкур университет 584 нафар иштирокчини ўз бағрига олди. 20 июн куни ёш спортчилар махсус автобусларда университет талабалар турараржойига келдилар. Иштирокчиларнинг илк таассуротлари билан ўртоқлашиш мақсадида уларни суҳбатга тортдик:

— *Мен Андижон давлат университети магистранти Дилёрбек Ўктамов бўламан. Бу йилги Универсиада мен учун учинчиси ҳисобланади. Таассуротларим ҳар сафаргидан ҳам ортиқ. Худди ушбу йирик мусобақада биринчи бор қатнашаётгандайман. Сабаби, бизни жуда яхши кутиб олишди, жойлашган хоналаримиз шинам, барча шарт-шароитлар яратилган. Хонамиз деразасидан бир тарафда “Аква-парк”, бир тарафда “Тошкент телеминораси” кўриниб турибди. Жуда гўзал манзара... Мусобақаларда спортнинг енгил атлетика тури бўйича иштирок этаман. Бухоро ва Самарқандда ўтган баҳсларда иккитадан бронза медалини қўлга киритган эдим. Тошкентдан бундан-да юқори натижалар билан қайтишни мақсад қилиб қўйганман.*

— *Наманган вилояти терма жамоаси Тошкентга катта тайёргарлик билан келди,* — деди Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Аҳмаджон Луқмонов. — *Мен Универсиада ҳаракати бошланганидан буён ушбу ажойиб тадбирда мунтазам иштирок этиб келаман. Шунга амин бўлдимки, Тошкентда ўтаётган мусобақанинг ташкилий ишлари ниҳоятда пухта ташкил этилган. Иштирокчиларни кутиб олиш, кўрсатилаётган иззат-икром, яратилган шарт-шароитлар олдинги мусобақалардан тубдан фарқ қилади. Демак, ҳукуматимизнинг ёшларни спортга жалб қилишга бўлган эътибори вақт ўтгани сайин янада кучайиб боряпти.*

Вилоятимиз жамоаси олдинги баҳсларда фахрли ўринларни эгаллаб келган. Бу сафар ҳам медаллар шодаси билан қайтишга ишонаман.

— Универсиада талабалар ҳаётида қандай ўрин тутади?

— *Ҳар бир ташкил этилган тадбирдан кутилаётган натижа бўлади. Универсиада, биринчидан, ёшлар орасида спортнинг оммавийлигини оширди ва спорт билан шуғулланувчилар сони кўпайди, иккинчидан, талабаларда ўзига бўлган ишончни, ирода ва мардликни уйғотди, кўплаб дўстлар орттириш имконини берди. Мисол учун, ўзим ишлайдиган институтни олайлик, талаба-*



лар сони унчалик кўп бўлмаса-да, 14та спорт тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Универсиада мусобақаларида жиддий синовдан ўтиб, шаклланган волейболчи қизларимиз жамоаси ҳозирда мамлакат чемпионатида ҳам мунтазам иштирок этиб келяпти. Универсиада мактабини ўтаган бошқа бир қатор талабаларимиз ҳам катта спортда ўзларини кўрсата олишяпти. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда ўтказилаётган уч босқичли спорт тизимининг меваларидир.

ТАТУда иштирокчилар учун яратилган қулайликни кўриб биз ҳам қувондик. Ёшларга бўлган бундай эътибор эртами-кеч албатта ўз мевасини беради.

— *Университетимиз ҳудудида жуда катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди,* — дейди ТАТУнинг Иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича проректори Тўлқин Тешабоев. — *Талабалар турараржойи буткул янгича кўриниш олди. “Универсиада-2007” иштирокчиларини жойлаштириш ва барча имкониятларни яратиш мақсадида 600 ўринга мўлжалланган талабалар ошхонаси қурилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда унинг тасарруфидаги корхоналар томонидан мазкур ошхона ва ётоқхона бутунлай янги жиҳозлар билан таъминланди. Фойеларимизга иккита катта телевизор ўрнатилди. Улардан бирини Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳадя этди. Энди бу жиҳозлар келгусида университетимиз талабалари учун хизмат қилади. Шунингдек, тиббий ёрдам кўрсатиш шахобчаси, интернетга уланган компьютерлар хонаси ва маънавият хонаси ҳозирлаб қўйилган.*

Талабаларнинг мусобақадан бўш вақтларида маданий ҳордиқ чиқаришлари учун махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, спортчи талабалар Юнусобод универсал спорт саройи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Маданият ва санъат кўргазмаси, Олимпия шон-шуҳрат музейи, Ўзбекистон давлат тарихи музейи ва Мустақиллик майдони бўйлаб саёҳатга чиқадилар.

— *“Универсиада-2007” мусобақалари муносабати билан мамлакатимизнинг қатор олий таълим муассасалари ректорлари, проректор ва деканларидан иборат 25 кишилик штаб тузилиб, барча масалалар бўйича тезкор иш олиб борилмоқда,* — дейди ТАТУнинг Маънавият ва тарғибот ишлари проректори Бахтиёр Омонов. — *Шунингдек, иштирокчиларга хизмат кўрсатиш учун университетдан жами 70 киши жалб этилган. Кечки овқатланишдан сўнг машҳур шоирлар, ёзувчилар, актёрлар ҳамда спортчилар билан учрашувлар ўтказилади. Эстрада хонандалари эса талаба спортчиларнинг мириқиб дам олишлари учун хизматда бўладилар. Яна бир жиҳат: қатнашчилар ҳар куни эрталаб соат 6.30 да саф тортишади. Давлатимиз мадҳияси садолари остида мамлакатимиз ва “Универсиада-2007” байроқлари кўтарилади. Сўнгра штаб аъзолари кун давомида ўтказиладиган мусобақалар тартиби ҳақида ахборот беради.*

...Кечки пайт талабалар турараржойларига етиб келган қатнашчиларнинг бироз вақт ўтиб, йўл чарчоғи чиқди. Шинам хоналардан жой олган спортчилар ювинишиб, овқатланиш хонасига йўл олишди. Муҳташам ошхонани кўриб, уларнинг хаёлидан “Наҳотки, шу талабалар овқатланиш жойи бўлса?!” деган савол ўтгани шубҳасиз.

— *Универсиада баҳсларида биринчи бор иштирок этишим,* — дейди Жиззах вилояти жамоаси аъзоси Баҳодир Муҳаммадиев. — *Мусобақага бўлган эътибор бу даражада юқори бўлади деб ўйламагандим. Бу менга янада куч ва ишонч бағишламоқда. Барча ташкилотчиларга ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни билдираман.*

Бугун ўз жамоалари шарафини ҳимоя қилаётган аксарият иштирокчилар “Умид ниҳоллари” мусобақасидан катта спортга қадам қўйганлар, кейин “Баркамол авлод”, энди эса “Универсиада-2007”. Келгусида улар албатта Олимпия ўйинларида ҳам мамлакатимиз байроғини баланд кўтарадилар.

Мусобақа ва уларнинг натижалари билан газетамизнинг навбатдаги сонида танишасиз.

Лутфилло ТУРСУНОВ

— Яратилган шарт-шароит, кўрсатиладиган иззат-икром учун катта раҳмат! — дейишмоқда Универсиада қатнашчилари.

Муаллиф олган суратлар.

Ижодкор сўзининг қудрати чексиз,

Халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот аҳлини Ватанимиз манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлган, давлат ва жамият ўртасида бамисоли холис воситачи ва мухолиф сифатида фаолият кўрсатадиган, мамлакатимизнинг янгиланиши ва тараққиёти йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни кўзланган мақсад ва манзилларга етказишда доимо изланиб яшайдиган фидойи инсонлар деб билади ва қадрлайди.

Ислом КАРИМОВ

Жамиятни демократлаштиришда, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлашда матбуотнинг ўрни беқиёс.

Юртимизда 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлаш ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ҳар йили ўтказиладиган "Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиблари ва рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари номини эълон қилиш анъанага айланган.

Байрам муносабати билан биз ушбу қўшсаҳифамизда мазкур танловнинг ўтган йилги ғолиб ва совриндорларига сўз беришга қарор қилдик.

Гап ўзимизда қолган

Киши ҳаётида шундай дақиқалар бўладики, у бутун умрини, бу ёруғ дунёда нима учун яшаганини ўйлаб қолади. Ўтган кунларини, гоҳ ташвишу гоҳ қувончларини эслайди, уларни ҳақиқат ва хаёлот тарозусига солади.

Журналист — замон ва маконнинг ижодкори, ўз даврининг солномачиси. Шу маънода бугунги вақтли нашрларга назар ташланса, уларда эълон қилинаётган материаллар асосида вақти келиб, ҳозирги кунларнинг жонли, ёркин тарихини ёзишади. Зеро, бугунги газета ва журналларда, радио ва телестудияларда тайёрланиб, эл-юрт ҳукмига ҳавола этилаётган асарларда мамлакатимизда давом этаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар, уларнинг натижалари ўз аксини топмоқда.

Табиийки, дарҳол савол туғилади: "Қай даражада?"

Бу энди у ёки бу таҳририятнинг салоҳиятига, унга ким, қай даражада етук ва малакали, давр руҳини чуқур ҳис қилувчи раҳбар етакчилик қилаётганлигига боғлиқ. Мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунларимиз, айниқса, матбуотнинг, журналистнинг эркинлиги билан боғлиқ қонунларимиз яйраб, жўшиб ижод қилиш, йил сайин қаддибастини тиклаб бораётган шу азиз Ватан, унинг умидли ва ёркин келажаги учун хизмат қилишга бел боғлаган журналистлар учун кенг имкониятлар уфқини очиб берди.

Ўзимдан мисол. Тўғри, илгари — туман газетасида муҳаррир, ёшлар газетасида бўлим мудири, мамлакатнинг етакчи газетасида бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари, "Муштум" журналида, "Ўзбекистон табиати" ва "Нуроний" газеталарида бош муҳаррир бўлиб ишлаган кезларим ҳам ўзимни ҳамиша эмин-эркин ҳис қилиб, ижод билан "аланг-жалангсиз" шуғулланганман. Лекин бу ҳиссиёт, бу интилиш ҳеч қандай қонун билан ҳимояланмаган, матбуотдаги у ёки бу чиқишларимдан кейин ойлар, йиллар ўтса ҳам "гиламга чақиришлар" бўлган, қаерлардадир жавоб беришга тўғри келган.

Бугун журналист фақат қонун олдида масъул, жавобгар. Энди бу қонунларимиз асосида хизмат қилиб, давр солномасини яратиш ўзини матбуотга бағишлаган ҳар бир ижодкорнинг маънавий-ахлоқий фазилатларига, дунёқараши ва уни ҳимоя қила олиш салоҳиятига, билим ва малакасига боғлиқ.

Олисга бормайлик, пенсияни расмийлаштиргач, мен умуман матбуот хизматидан "истеъфога" чиқмоқчи эдим. Ҳатто, бўлим мудири бўлиб ишлаб турганим — "Халқ сўзи"дан бўшаб ҳам олдим.

Шундай кайфиятда юрган кезларим "Тошкент ҳақиқати" газетасининг бош муҳаррири Фатхиддин Муҳиддинов кўриб қолиб: "Қани, бир суҳбатлашайлик", — деб қолди.

Суҳбатга менинг "Тошкент ҳақиқати"даги фаолиятим туташи кетди ва ўтган йили Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг мукофоти билан тақдирланишимга олиб келди.

Шундан буён шундай завқ-шавқ билан меҳнат қилиб келяпманки, бунақанги ҳиссиётларни илгарилари ҳеч қачон ҳис қилмаган эдим. Шу йиллар ичида нималар ёзилди, ҳаммаси — газета таҳламларида. Лекин "Тошкент ҳақиқати"да эълон қилинган энг яхши очерклар, публицистик мақолалар "Замондош қалби" (2005 йил) китобида жамланди. Ундаги асарлар, мамлакатимизда кечаётган мафкуравий-сиёсий янгиланиш жараёнлари, қаҳрамонлари, фермерлик ҳаракати ва муаммолари, янги инсон камолини илғаб, акс эттиришга бир интилиш, холос.

Шу таҳририятда "талашиб-тортишиб" ўтказаётган йилларимдан яна бир из — фельетонларим. 2002 йилдан бошлаб газетада "Асом-Баданг нима дейди?" туркум фельетонларим эълон қилинди. Уларда ўтиш даври келтириб чиқарган муаммолар, ҳолатлар, порахўрликлар, ахлоқий ва маънавий таназзул, бу нуқсонларнинг сабабларига дали-ғули бир замондошимиз нигоҳи ўз аксини топди, деб ўйлайман. Ҳар қалай, газетхонлар, кенг жамоатчилик бу фельетонларни шундай қабул қилди. Ўтган йили уларни жамлаб, бир тўплам туздим. Унга истеъдодли ёзувчимиз Саъдулла Сиёев сўзбоши ёзди.

Сўнгги йиллардаги яна бир ишим — "Тошкент ҳақиқати" газетасининг яхлит тарихи, бу таҳририят бағрида камол топиб, ўз даврига хизмат қилган асл журналистларнинг ижодий портретлари яратилганлиги бўлди. "Тошкент ҳақиқати": йиллар, ижодкорлар, изланишлар" китобимни нашрга топширдим.

> *Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.*
> *Цензурага йўл қўйилмайди.*
>
> *Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддаси.*

Ижодкор ҳеч қачон "ғалвасиз" юра олмайди. Шу кунларда "Тошкент ҳақиқати"да эълон қилинган ёки ҳали эълон қилинмаган воқеий ҳикоялар ва қиссаларимни тўплаяпман. Ниятим уларни "Кенгга кенг дунё" деб "исм" қўйиб бир китобда жамлаш.

Албатта, буларни ўқиб, хаёлида китоб бўлган киши газета учун нима қиляпти экан, деб ўйлашингиз мумкин. Шуни айтишим мумкинки, коллеж таълими такомили ва Қуйи Чирчиқ туманида ислоҳотларни амалга ошириш кишилар дунёқарашида, ўз меҳнатига муносабатида қандай ўзгаришларга, янгиланишларга олиб келаётганлигига бағишланган икки мақолам таҳририят ҳар ойда якунлаб борадиган ички танловда алоҳида тақдирланди.

Олган мукофотим қизиқтиряптими? Катта бир чойхона паловга етади. Касб байрамимиз баҳона, қани, "Навбаҳор"га марҳамат!

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" газетаси ижтимоий-сиёсий бўлимининг муҳаррири,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

"Туркистон-пресс": катта йўл бошида

"Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги ёпиқ акциядорлик жамияти 1998 йилнинг 25 сентябрида ташкил этилди.

"Ўзбекистон овози", "Маърифат", "Фидокор", "Туркистон", "Оила ва жамият" газеталари ва бир қатор вақтли нашрлар, шунингдек, Самарқанд ва Андижон мустақил телерадиостанциялари, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Тадбиркор" акциядорлик-тижорат банки каби йирик ташкилотлар ва бир гуруҳ жисмоний шахслар Агентликнинг муассиси бўлишди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда биринчи нодавлат ахборот агентлиги фаолият кўрсата бошлади.

Бугунга келиб Агентлик давлат ахборот агентликларига муқобил ташкилот сифатида "ЎзА", "Жаҳон" ахборот агентликлари қаторида мамлакат ахборот маконида мустаҳкам ўрин эгаллади. Агентлик хабарлари республикамизда нашр этилаётган барча вақтли оммавий ахборот воситаларида чоп этилмоқда. Хусусан, "Халқ сўзи", "Народное слово", "Ўзбекистон овози", "Голос Узбекистана", "Правда Востока", "Қишлоқ ҳаёти", "Ишонч", "Фидокор", "Адолат", "Маърифат" каби республика нашрлари, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Агентликнинг доимий обуначиларидир.

Агентлик хабарларига обуна бўлаётган йирик корхона ва ташкилотлар сафи ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Нефт, газ ва металл ишлаб чиқариш бўйича Япония миллий корпорацияси, "JETRO" ваколатхонаси, Полша Савдо ваколатхонаси, Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси, "Ўзбекенгилсаноат" компанияси каби ташкилотлар шулар жумласидан.

Агентликнинг мамлакатимизда аккредитация қилинган чет эл элчихоналари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Ўттиздан ортиқ шундай ташкилотларга мамлакат Президенти Фармон ва Қарорларининг шарҳи, муҳим халқаро воқеалар, анжуманлар, иқтисодиёт, ижтимоий, маънавий ҳаётга оид янгиликлар, чет эл ахборот агентликлари хабарлари етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, сиёсий, иқтисодий ҳаётда рўй бераётган янгиликлар тузилган шартномага асосан "Фактива" (Австрия), "Интернет секюритис" (Америка) ахборот агентликларига жўнатилмоқда. Хитой Халқ Республикасининг "Синхуа" ва Тожикистон Республикасининг "Вароруд" ахборот агентликлари билан ахборот алмашуви амалга оширилмоқда. Бундай алоқалар Ўзбекистон ҳаёти ҳақидаги ахборотлар тарқалиши доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Агентлик таркибида Халқаро ахборот таҳририяти, Республика ахбороти таҳририятлари ташкил этилган. Агентлик муассислигида "Моҳият" газетаси нашр этилмоқда. "TURKISTON-POLIGRAF" шўъба хўжалик жамияти фаолият юритмоқда.

Бир сўз билан айтганда, истиқлол "фарзанди" бўлган агентлигимиз катта йўл бошида турибди. Унинг келажаги эса янада нурли бўлишига ишонаман.

Оловуддин ҒАФФОРОВ,
"Туркистон-пресс" шарҳловчиси

Меҳнати, заҳмати, шуҳрати тенгсиз!

Газетани кўзгуга қиёслашади. Бу бежиз эмас. Уйимиздаги кўзгуга қараб, кийинишимизни тўғрилаймиз. У ер-бу еримиздаги нуқсонни яққол кўрамиз. Газета ҳам худди шундай — унда жамиятимизда эришилаётган ютуқлар билан бирга, унда-бунда тараққиёт йўлига ғов бўлаётган қусурлар акс этади. Шунинг учун Президентимиз ҳар гал биз — журналистларга камчиликлар ҳақида очиқ ва ойдин, шу билан бирга холисона ёндашишни уқтирадилар.

Бугунги кунда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, журналистлар касб маҳоратини оширишга катта аҳамият берилмоқда.

Устозлар тажрибаси асқотади

Холисона ёндашиш... Бу энди шунчаки вазифа эмас. Бирор бир муаммо ҳақида қалам тебратишга чоғланар экан, журналист аввало ўша масаланинг туб моҳиятига етмоғи керак. Зеро, бир томонлама ёндашув оқибатида турли нохушликлар келиб чиқиши мумкин. Шу билан бирга, журналист кўтарган мавзу ўлда-жўлда қолиб кетмаслиги ҳам муҳим. Баъзан шундай бўладики, марказий таҳририятларга олис, чекка ҳудудлардан йўл босиб, умид ва нажот истаб келадиганларнинг арзи-ҳоли қоғозда қолиб кетади. Гарчи уларни қийнаётган масала ўрганилиб, мақола тарзида акс эттирилса ҳам, муаммо муаммолигича қолиб кетаверади. Бу эса оддий фуқароларнинг мутасадди идораларга, шу билан бирга оммавий ахборот воситаларига нисбатан ишончини сусайтиради. Мана шундай оқибатларга дуч келмасликнинг бирдан-бир йўли эса ҳукуматимиз қўяётган талаб — ҳар бир масалага холисанилло қарашдир. Ана ўшанда биз газеталаримизнинг ўқувчиси кам эканлиги, номигагина обуна бўлинаётгани ҳақда ўйламасмидик, балки...

Дарвоқе, гап газета обунасига келиб тақалар экан, аксарият кишилар: "Ана, "Даракчи", "Ҳордиқ"дан ўрганинглар обунани қандай ташкил этишни", дейишади. Тўғри, бугун ушбу газеталар мамлакатимиз нашрлари орасида муштарийлар сони жиҳатидан етакчи ўринда туришади. Улардаги ранг-баранглик, айниқса, "Даракчи"даги ҳар гал янги мавзуларга интилишдан ўрнак олса арзийди. Лекин газета нафақат ўз ўқувчиларини қизиқарли мақолалар билан жалб этмоғи, шунингдек, муштарийни ўйлантираётган, уни қизиқтираётган саволларга аниқ-равшан жавоб бермоғи ҳам муҳим. Шу маънода, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида янги рукнлар остида чиқишлар қилинаётгани эътирофга молик. "Номалар ва чоралар", "Газета ва газетхон", "Юзма-юз", "Кўнгил хиёбони» кабилар ана шулар жумласидандир. Масалан, "Номалар ва чоралар»да таҳририятга келаётган шикоят хатларини ўрганиш учун ўша мактуб келган ҳудуд мутасаддиларига юборилади. Батафсил жавоб эса газетада акс этмоқда. Бундай йўл билан кўплаб муаммоларнинг ўз жойида ечимини топишига эришиляпти. Ёки "Юзма-юз" саҳифасини олайлик. Ушбу саҳифада газетхонни қизиқтираётган саволга тегишли идора вакиллари жавоб бераётгани ҳам айни муддао бўлмоқда.

Матбуот ҳақида сўз кетар экан, баъзан расмий ёки сариқ матбуот, деган ўхшатишларни эшитиб қоламиз. Расмий газеталарга қизиқиш унчалик яхши эмас, дегувчилар ҳам бор. Қўпол тўқилсада, қайсидир маънода бу гапда ҳам жон бор. Чунки айрим газета таҳририятларида ёшларга бўлган муносабат кўнгилдагидай эмас. Ўзларини катта тажрибали деб биладиган, амалиётга келадиган талабалар у ёқда турсин, ўша газетада ишлаб, суяги қотаётган ёшларнинг ёзганларини бутунлай йўққа чиқариб ташлайдиганлар ҳам йўқ эмас. Тўғри, замонга хос фикрлайдиган, ёш кадрларни кўз қорачиғидек асрайдиган устоз журналистлар ҳам кўп. Аммо очиғини айтганда, бағрикенг устозларга эҳтиёж ниҳоятда катта. Негаки, бугун журналистика факултетини битириб келаётган 70 фоиз ёшлар нимани ёзаман, қандай ёзаман, деган савол билан юришади. Аслида эса уларни ёзишга, фикрлашга ўргатиш таҳририятларимиздаги талабчан ва тажрибали журналистларга ҳам боғлиқ. Бугуннинг нафаси, ҳар бир соҳа елкасига қўйилаётган ҳукумат талаби ёшларга изчиллик билан тушунтириб борилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Ана ўшанда биз обуна муаммоси ҳақида камроқ гапириб, янги овозда, янгича ёндашувда ёзилган қизиқарли мақолалар ҳақида кўпроқ гапирармидик...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири

Республикамизда бугунги кунда жами 955та оммавий ахборот воситалари, жумладан:
661та газета,
197та журнал,
18та ахборотнома-бюллетен,
4та агентлик,
58та телевидение,
17та радиоканал жамоаси аҳолининг босма ҳамда электрон хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида меҳнат қилишмоқда.

Давр билан ҳамоҳанг

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси билан Вазирлар Кенгашининг нашри бўлган "Эркин Қорақалпоғистон" — "Вести Каракалпакстана" газеталари жамоалари давр билан тенг қадам ташлаб, муштарийларни қизиқтирадиган долзарб мавзулардаги мақолаларга кенг ўрин берган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

Президентимиз томонидан Ижтимоий ҳимоя йили деб белгиланган жорий йилда ижодий жамоамиз газетани яна ҳам сифатли ва мазмунли чиқариш учун режалар ишлаб чиқишди ва шу бўйича иш олиб бормоқда. Янги йилдан бошлаб "Суд очерки", "Қизиқарли тақдирлар", "Тилсимли олам", "Тарихий шахслар", "Сиҳат-саломатлик", "Ҳодисалар", "Элатлар, одамлар, урф-одатлар", "Адабиётимиз намояндалари ва бошқа қатор рукнларда мақолалар бериб борилмоқда. Шунингдек, "Интернет хабарлари", "Жаҳон спортининг юлдузлари", "Криминал хабарлар" рукнларидаги мақолалар муштарийларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Айни пайтда таҳририятимизда ўз касбининг усталари бўлган тажрибали журналистлар меҳнат қилишяпти. Улардан Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Ўмрбой Утеўлиев, Абдулла Ембергановлар журналистлар ўртасида Олма ота, Душанбе ва Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтган танловларда ғолиб бўлган бўлса, Пердегул Хўжамуротова "Йилнинг энг фаол журналисти — 2004", "Атиргул" танловларида, Татяна Климова БМТнинг ривожлантириш дастури томонидан ўтказилган танловда ғолиб бўлди. Газетамиз эса Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг грантига сазовор бўлди. Шу йил сентябр ойида таҳририят қошида журналистлар маҳорат маркази очилади.

Мен республикамизнинг барча журналистларини касб байрамлари билан табриклайман. Фахрли ва машаққатли ишларида муваффақиятлар тилайман.

Даулт АБИБУЛЛАЕВ,
"Эркин Қорақалпоғистон" — "Вести Каракалпакстана" газеталари бош муҳаррирининг ўринбосари

Қўшсаҳифа материалларини Муборак МИРКАМОЛОВА ҳамда Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрладилар.

«Xabar»нинг энг фаол вилоят мухбирлари

Нортожи ЗИЁЕВ
(Сурхондарё)

Ҳафиза САЛЯҲОВА
(Фарғона)

Асқар ИСТАМОВ
(Бухоро)

Маруся ҲОСИЛОВА
(Навоий)

Афтондил ИСМОИЛОВ
(Қашқадарё)

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ
(Андижон)

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ
(Хоразм)

Азиз ҳамкасблар! Касб байрамингиз муборак бўлсин.
Машаққатли, аммо шарафли ишингизда улкан зафарлар, юксак ижодий парвозлар тилаймиз.

«Xabar» газетаси жамоаси

"O`ZBEKTELEKOM" AK
"ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ"
филиали жамоаси

"Хабар" газетаси ходимларини
ҳамда республикамизнинг барча оммавий
ахборот воситалари вакилларини
27 июн — касб байрамлари
билан табриклайди!



КАСБ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

ОДДИЙ ВА ҲАҚҚОНИЙ БАҲО

Олийгоҳни битириб, таҳририятга ишга келган Раънони жамоа аъзолари ҳурсандчилик билан кутиб олишди. "Бизга сиз каби ёшлар жуда зарур, — дейишди улар. — Ўзи матбуот соҳасидаги энг сўнгги ютуқлардан хабардор, елиб-югуриб иш битирадиган ходимга муҳтож эдик".

Раъно жамоа аъзолари бемалол истеъдодини намойиш этишга имкон яратиш учун шундай дейишганини озгина ишлагач тушунди. Матбуот соҳасида бой тажриба ва малакага эга инсонлардан кўп нарса ўрганди. Уларнинг ўзига бўлган меҳрибонларча муносабатлари Раънога куч-қувват, билмаганларини бемалол, тортинмасдан сўрашига сабаб бўлди. Таҳририят ходимларининг бир-бирларига ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлишлари ҳавас қилгудек эди.

QATRA

Бугун маош куни. У уялиб ҳаммадан кейин ҳисобхонага кирди. Ҳаяжонланганидан фамилиясини бироз қидириб, сўнг топди ва ҳайрон бўлиб қолди. У рўйхатнинг охиррогида бўлсам керак деб ўйлаган эди, қараса бош ҳисобчидан ҳам юқори турибди.

Раъно анча пайтгача ўйланиб юрди. Ахир Муаззам опа таҳририятнинг жуда кўп муаммоларини ҳал этишда бошлиқ билан баравар югуриб юради-ку! Шундай бўлса-да, яқинда ишга келган Раънони ўзидан юқори ўринга ёзибди. Бу ҳақда Муаззам опанинг ўзидан сўрашга қарор қилди.

— Газета бош муҳаррир бошчилигидаги ижодий ходимларнинг ақли, салоҳияти эвазига дунёга келади, — деди у шуни ҳам билмайсизми дегандай. — Бошқалар улар ёзган мақолаларни кўчириш, жойлаштириш, газета ҳолига келтириш учун, биз эса ҳисоб-китоб учун ҳақ оламиз. Шу туфайли ижодий ходимларни рўйхатнинг аввалига ёзаман.

Бу журналист меҳнатига берилган оддий, лекин ҳаққоний баҳо эди.

Муборак МИРКАМОЛОВА

"O`ZBEKTELEKOM" AK
"ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ"
филиали жамоаси

Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари
ходимлари куни
билан мамлакатимизнинг
барча нашр
аҳлини қутлайди.

Касб байрамингиз
муборак бўлсин,
азиз дўстлар!

ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
жамоаси

Республикамизда қалам
тебратаётган барча журналистларни,
шу жумладан,
"Xabar" газетаси ходимларини
27 ИЮН – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ
билан самимий муборакбод этади.

Азиз ижодкорлар!
Шарафли ва масъулиятли
меҳнатингизда янгидан-янги
зафарлар ёр бўлсин!

Табриклаймиз!

Навоий вилояти радиотелевизион узатиш маркази
жамоаси Лангар РТС цех бошлиги Нуриддин ПРИМОВни кутлуғ
60 ёши билан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик
ва барча эзгу ишларида муваффақиятлар тилайди.

***

"Қашқадарё Телеком" филиали жамоаси
корхона ҳисобчиси Гулнора АБДУРАҲМОНОВАни
таваллуд айёми — 45 ёшга тўлиши
билан муборакбод этади.
Гулнорахон, таваллудингиз муборак бўлсин.
Сизга оилавий хотиржамлик, ишларингизга
ривож тилаймиз. Ҳаётингиз гулларга буркансин!

***

"Фарғона Телеком" филиали ва вилоят алоқа
ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари
филиал ходими Комила МАМАЖОНОВАни 50 ёшга тўлиши
муносабати билан самимий муборакбод этади. Унга мустаҳкам
саломатлик, узоқ умр, оиласига тинчлик-хотиржамлик тилайди.

Xabar +tv

2007-yil, 22-iyun
25 (770)-son
Xabar

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Таълимнома".
8.50 Олтин мерос.
"Болалар сайёраси".
9.00 1. "Қисиқ қор ёққанда". Бадиий фильм.
2. "Қундуз амакининг қиссалари". Мультсериал.
10.30 "Одами эрсанг"
10.50 "Самарқанд - 2750".
10.55 Дунё иқлими.
11.00 "Ахборот".
11.15 "Юртим бўйлаб" дастури: "Кўёш шаҳри".
11.25 "Олтин бешик".
11.55 "Ўтган замон ҳангомалари". Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли.
1-қисм.
12.55 "Ўтган замон ҳангомалари". Спектакль. 2-қисм.
13.45 Вилоят наволари.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 "Ахборот".
14.20 "Олам ва одам" дастури: "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".
15.10 "Ҳаёт мактабларда".
15.20 "Витаминлар".
16.20 "Моний сирлари". 1-қисм.
"Болалар сайёраси":
16.40 "Эртаклар - ялтироқлик стаклар".
17.00 "Ахборот".
17.15 Олтин мерос.
17.25 "Ҳаёт ва қонун".
17.45 "Мармилон-2000".
17.55 "Оқшомлар огушида".
18.05 "Келажакка эркин фикр билан".
18.35 "Минг бир ривоят".
18.40 "Ошиқ". Телесериал.
19.10 "Сизнинг адвокатингиз".
19.15 "Юртим кишилари".
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Уч бека". Телесериал премьераси (Туркия)
20.50 Дунё иқлими.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бир ўпка-ки"
22.00 "Муҳаббат гўшаси". Телесериал премьераси (Корея)
23.00 (SMS. Овоз бериш)
23.10 "Икки тақдир". (Хиндистон)
23.55-00.10 Тунги наволар.
"Uzbekistan".
00.10 Кўрсатувлар дастури.
00.20 "Юртим бўйлаб" дастури: "Хонобод".
00.35 "Муқаддас қадамжолар".
00.55 Дунё иқлими.
01.00 "Ахборот".
01.35 Олтин мерос.
01.45 "Чемпион сирлари".
02.05 "Ўтган замон ҳангомалари". Спектакль.
03.50 "Самарқанд-2750".
03.55 Дунё иқлими.
04.00 "Ахборот". Информацион дастур.
04.35 "Юртим бўйлаб" дастури: "Кулол меҳри".
04.55 "Мармилон - 2000".
05.00 "Минг бир ривоят".
05.05 Миллий сериал: "Шаҳзода ва қаниздк".
05.45-05.55 Тонги наволар.

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 ДАВР.
16.15 "Бу байрам - барчамизники!"
16.20 "Универсиада - 2007" спорт

ДУШАНБА — 25 ИЮН

уйинларининг тантанали ёпилиш маросими.
18.00 "Нафосат олами".
18.10 "Самарқанд - 2750 ёшда"
18.15 "Мулжизанинг яралиши". Х/ф.
18.25 "UzEX хабарлари" (рус ва инглиз тилларида)
18.35 "Ғазал мулки".
18.55 "Иқлим".
19.00 "ДАВР".
19.30 "Қор аланпси". Сериал.
20.10 "UzEX хабарлари".
20.15 Ижтимоий ҳимоя йилига: "Митинг".
20.30 "Ҳеч нима ҳақида битиклар"
20.40 "Эълонлар".
20.50 "Зарра". Сериал.
21.35 "Ёшлик наволари".
21.55 "Иқлим".
22.00 "ДАВР".
22.30 "SMS-мусиқа". Ёш ижрочилар танлови.
22.50 "Пуаро". Сериал премьераси.
23.40 - 23.50 "Таскин".

TOSHKENT

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм: "Шумтакалар".
18.05 "Телекурьер - маркет".
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.50 "Тадалғуш". Телесериал.
19.30 "Мусиқа SMS".
19.50 "Саломат бўлинг"/рус/.
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури/рус/.
20.15 "ТВ юрист".
20.20 Халқаро тиёнанликка қарши кураш куниға: "Аждар чангали".
20.40 "Ozbekistanfilm" маҳсулоти: "Чекиш соғлиққа зарар".
20.50 "Интервью"/рус/.
21.00 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
21.45 "ТВ юрист".
21.50 "Телекурьер - маркет".
22.10 "Аёл қалби".
22.30 "Пойтахт" ахборот дастури/рус/.
22.45 "Кино SMS со звездами".
22.50 Кино: "Кто Я?"
00.40 - 00.45 Хайрли тун, шаҳрим.

SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.05 "Малахов +".
9.00 "Универсиада - 2007" якунлари (ўзб. тилида)
9.30 "Детективы".
10.00 "Универсиада - 2007" якунлари (рус тилида)
10.30 "Зимние игры животных". Игровой анимационный фильм.
11.25 "Ким нимга қодир?"
11.45 - 12.35 Легкая атлетика.
18.00 "Болалар спорти".
18.15 "Мусиқий тайм".
18.30 "Хабарлар" (рус. тилида)
18.55 "Спортимиз маликалари".
19.10 "Жди меня".
20.00 "Печорин". Сериал.
20.55 "Тет-а-тет".
21.05 "Футбол шарқи".
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
21.50 Семейный экран: "Единственному до востребования". Х/ф.
23.30 ПрофРИНГ.
00.20 "Тунгитго осуда бўлсин!"

БИРИНЧИ

04.00 08.00 11.00 14.00 02.00 Новости.
04.05 "Доброе утро".
08.20 "Малахов +".
09.20 Т/с "Агент национальной безопасности".
10.20 "Понять. Простить".
11.20 "Лолита. Без комплексов".
12.20 "Детективы".
13.00 Другие новости.
13.30 "Контрольная закупка".
14.20 "Криминальная Россия".
"Романтики с большой дороги", 2 с.
15.0.0 Т/с "Любовь как любовь".
16.00 "Федеральный судья".
17.00 Вечерние новости.
17.20 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
18.10 "Жди меня".
19.00 Т/с "Татьянин день".
20.00 "Время".
20.30 Т/с "Смерть шпионам".
21.30 Х/ф "Остаться в живых", 1 и 2 с.
23.10 Ночные новости.
23.30 Дневник XXIX Московского международного кинофестиваля.
23.40 "Доброй ночи".
00.40 02.05 Х/ф "Интоксикация".
02.30 "Изолы". С. Спаллонк.

РОССИЯ

04.00 "Доброе утро, России!"
06.50 Д/ф "Маршалы Победы. Жуков и Рокоссовский".
07.50 Т/с "Примадонна".
09.45 "Вести. Дежурная часть".
10.00 13.00 16.00 19.00 "Вести".
10.30 13.20 19.45 "Местное время. Вести - Москва".
10.50 Т/с "Старые дела".
12.40 15.40 18.40 "Вести. Дежурная часть".
13.40 Т/с "След оборотня".
16.20 "Местное время. Вести - Московская область".
16.40 Т/с "Танго втроем".
17.40 Т/с "Ангел-хранитель".
20.05 "Спокойной ночи, малыши!"
20.15 Т/с "Примадонна".
22.10 "Мой серебряный шар. Инна Макарова".
23.10 "Вести +".
23.30 "Очевидное-невероятное".
00.00 "Синемания".
00.30 "Дорожный патруль".
00.45 Х/ф "Чужие здесь не ходят".
02.00 Канал "Евроньюс".

НТВ

05.00 "Сегодня утром".
08.05 "Следствие вели..."
09.00 12.00 15.00 18.00 21.45 "Сегодня".
09.20 "Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю".
09.55 "Кулинарный поединок".
10.55 "Квартирный вопрос".
12.30 Т/с "Кодекс чести 2".
14.30 17.30 "Чрезвычайное происшествие. Обзор".
15.30 00.40 Т/с "Возвращение Мухтара 2".
18.40 19.45 20.45 22.10 Т/с
23.10 "Школа злословия". В. Платонов.
00.05 Д/с "Победившие смерть".
02.25 "Криминальная Россия".
02.55 Комедия "Волга-Волга".
04.35 М/с "Богатенький Ричи".

КУЛЬТУРА

06.00 Канал "Евроньюс".
09.00 18.30 22.30 "Новости культуры".
09.20 "В главной роли..."
09.35 00.35 Программа передач.
09.45 "Путешествия натуралиста".
10.15 Х/ф "Тихоня".
11.30 М/ф "Смешарики".
11.45 Д/ф "Иван Сусанин", ч. 1.
12.15 "Линия жизни". Е. Симонова.
13.10 "Мой Эрмитаж".
13.40 Х/ф "Прошедшее вернуть...", 1 с.
14.55 Мультфильм
15.20 "Амазонка вскрыл".
15.50 Д/с "Чудеса погоды".
16.15 "Полуденные сны".
16.45 "Достояние республики".
17.00 "Пленницы судьбы".
17.30 "БлокНОТ".
18.00 "Ночной полет".
18.55 "Острова".
19.35 Спектакль "Прекрасное лекарство от тоски".
20.50 "История одной случайности".
21.35 "Тем временем".
22.55 "Про АРТ".
23.20 "Легенды мирового кино".
23.50 Д/ф "Маленькая Катерина".
00.20 Д/ф "Азорские острова. Антра-ду-Эриейро".
00.40 Д/ф "Рихард Вагнер".
01.25 Д/ф "Абу Мена. Ожидание последнего чуда".
01.40 В. Моцарт - Э. Григ "Фантазия".

СТС

07.00 Полиция будущего.
07.45 М/ф "Бокман и попугай".
07.55 М/с "Смешарики".
08.00 Т/с "Чудеса науки".
08.30 18.00 Т/с "Моя прекрасная няня".
09.00 21.00 Т/с "Дочки-матери".
10.00 20.30 01.00 Истории в деталях.
10.30 11.00 11.30 12.00 13.00 13.30 Т/с
14.30 15.00 15.05 15.30 16.00 16.30 М/с
17.00 Т/с "Лизин Магуайер".
17.30 Галилео.
19.00 Т/с "Кто в доме хозяин?"
20.00 Т/с "Сваха".
22.00 Т/с "Вся такая внезапная".
22.30 Х/ф "Тени прошлого".
00.30 Т/с "Безмолвный свидетель".
01.30 Загадочные места. Каньон Чако. Тайны племен анасази. Полуостров Авалон
02.30 03.15 04.45 05.30 Т/с

ТВ3

07.00 Победоносный голос.
07.30 М/ф.
10.00 Х/ф "Затерянный лагерь".
12.00 Х/ф "Истинная любовь".
14.00 Растительная жизнь.
14.30 Самые смешные моменты жизни.
15.00 Х/ф "Макс Найт - суперчемпион".
17.00 Х/ф "Мемуары гейши".
19.30 Кинокомания.
20.00 Х/ф "Война Харта".
22.30 Х/ф "Собственность государства".
00.00 Т/с "Святой дозор", 3 с.
01.00 Х/ф "Танцы в "Голубой игуане".
03.30 Х/ф "Паника".
05.00 Т/с "Шпионка 4", 2 с.

ТНТ

04.45 Т/с "Любовь и тайны Сансет Бич".
05.30 12.30 18.00 Такси.
05.55 "Глобальные новости".
06.00 "Москва: инструкция по применению".
06.30 Т/с "Плохие девчонки".
07.20 Предприниматель.
07.35 Наши песни.
08.00 "Школа ремонта". "Кадетская чайная".
09.00 Т/с "Счастливы вместе".
10.00 М/с
13.00 04.10 Т/с "Саша+Маша".
14.00 20.00 23.00 00.00 "Дом 2.
15.00 Триллер "Один в темноте".
17.00 19.00 Т/с "Счастливы вместе".
18.30 Москва: инструкция по применению.
21.00 "Миллион лет до нашей эры".
23.30 "Секс" с А. Чеховой.
00.55 Х/ф "Представь нас вместе".

O'ZBEKISTON

Халқаро гиёҳвандликка қарши курош куни.
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Оптин мерос.
"Болалар сайёраси":
8.50 1. "Уйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Қунлуз амакининг қиссалари". Мультсериал.
9.35 "Ҳаёт манзаралари".
10.10 "Уч бека". Телесериал.
10.45 "Сизнинг адвокатингиз".
10.50 "Самарқанд - 2750".
10.55 Дунё иқлими.
11.00 "Ахборот".
11.15 "ТВ шифокор".
11.20 "Икки тақдир". Телесериал.
12.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
12.10 "Юртим бўйлаб" дастури.
"Намоён ширмоёлари". Премьера.
12.20 "КиноТеатр".
12.45 ТВ янгиик.
12.50 "Муҳаббат гўшаси". Телесериал.
13.45 Оптин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 "Ахборот".
14.20 "Олам ва одам" дастури: "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".
15.10 "Марвилон-2000".
15.15 "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи" ҳазилласидан.
16.00 "Бир ўлка-ки".
16.20 "Мозий сирлари", 2-қисм.
"Болалар сайёраси":
16.40 "Эртаклар - яшилияка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.15 Оптин мерос.
17.20 "ИИВ хабарлари".
17.35 "Агар Сиз"
17.55 "Ҳудудлар ҳақи".
18.10 "Оҳанглар оғушида".
18.15 "Гиёҳвандлик - аср вабоси".
18.35 "Минг бир ривоят".
18.40 "Ошиқ". Телесериал.
19.15 "Юртим кишилари".
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Уч бека". Телесериал премьераси.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Ажал суқмони".
22.00 "Муҳаббат гўшаси". Телесериал.
23.00 "Қўшиламан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.10 "Икки тақдир". Телесериал.
23.55-00.10 Тунги наволар.
"Uzbekistan".
00.10 Кўрсатувлар дастури.
00.20 "KINOMANIYA".
00.50 "Самарқанд-2750".
00.55 Дунё иқлими.
01.00 "Ахборот". Информацион дастур (рус)
01.30 Оптин мерос.
01.40 "Янги кун". Информацион дам олиш дастури.
02.40 "Истеъдод".
03.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
03.15 "Назм ва наво".
03.55 Дунё иқлими.
04.00 "Ахборот". Информацион дастур.
04.35 "Юртим бўйлаб" дастури: "Геологик кўринишлар".
04.55 "Марвилон-2000".
05.00 "Минг бир ривоят".
05.05 Миллий сериал: "Шарқона ва канизак".
05.40-05.55 Тунги наволар.

Халқаро гиёҳвандликка қарши курош куни.
6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 "ЯНГИ ТОНГ".
9.00 "Даврнинг боласи".
9.15 "Зарра". Сериал.
9.55 "Иқлим".
10.00 "ДАВР".
10.15 "ТВ-анонс".
10.20 Таълим тулфаси: "Муз даври-1".
11.40 "Ғазал мулки".
12.00 "Пуаро". Сериал.
12.50 "Ҳеч нима ҳақида битиклар"
13.00 "ДАВР".
13.15 "Даврнинг боласи".
13.30 "Болаларга жониворлар ҳақида".
13.55 "Болалар табассуми".
14.00 "Қор аланжаси". Сериал.
14.30 "ЯНГИ КУН".
16.00 "ДАВР".
16.15 "Бу байрам - барчамизники!"
16.20 "Ватангинлар".
17.20 "Қонун ижроси".
17.30 "Мўъжизавий дунё". Ҳужжатли сериал.
18.20 "Даър мавзуси".
18.35 "Ғазал мулки".
18.55 "Иқлим".
19.00 "ДАВР".
19.30 "Қор аланжаси". Сериал.
20.10 "JOKER" телелотереяси.
20.20 "Ажина ва қулфи вабоси".
20.40 "Эълонлар".
20.50 "Зарра". Сериал.
21.35 "Ёшлик наволари".
21.55 "Иқлим".
22.00 "ДАВР".
22.30 "SMS-мусиқа". Ёш ижрочилар танлови.
22.50 "Пуаро". Сериал.
23.40 - 23.50 "Таскин".

TOSHKENT

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 "Салом, Тошкент!" Қўнғироқлар информацион мусиқий дастур.
8.35 "Тавалтуне". Телесериал.
9.15 "Телекурьер - маркет".
9.35 Ёзги таътил қуларида: "Қўрбақа маликаси". Мультфильм.
10.15 "Аёл қалби".
10.35 "ТВ юрист".
10.40 Халқаро гиёҳвандликка қарши курашқуни куниз: "Ажал чангали".
11.00 "Мусиқа SMS".
11.25 "Интервью" /рус/.
11.35 "Саломат бўлинг" /рус/.
11.45 "Туризм ҳақида" /рус/.
12.15 "ТВ юрист".
12.25 - 14.15 Кино: "Кто Я?"
***
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм: "Шумтакалар".
18.05 "Телекурьер- маркет".
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.50 "Тавалтуне". Телесериал.
19.30 "Мусиқа SMS".
19.50 "Ҳумор".
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури/рус/.
20.15 "ТВ юрист".
20.20 Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куниз: "Келажакка эркин фикр билан".
20.50 "Репортаж".
21.00 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
21.45 "ТВ юрист".
21.50 "Телекурьер - маркет".
22.10 "O'zbektelefilm" представляет: "Милосердие".
22.30 "Пойтахт" ахборот дастури/рус/.
22.45 "Кино SMS со звездами".
22.50 Кино: "Казино "Рояль".
00.50 - 00.55 Хайрли тун, шаҳрим.

SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.05 "Малахов +".
9.00 "Хабарлар" (рус. тилида)
9.20 "Детективы".
9.50 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
10.10 "Болалар спорти".
10.25 "Тайная жизнь кошек". Док.фильм.
10.50 Теннис. Уимблдон турнири.
11.40 - 12.30 Легкая атлетика. Кубок Европы.
18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Қурувчи"-"Нефтчи".
Танаффусда "Хабарлар" (рус тилида)
19.50 "Мусиқий тайм".
20.00 "Печорин". Сериал.
20.55 "Спорт - менинг ҳаётим".
21.10 "Университада - 2007" якунлари.
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
21.50 "Футбол мунозараси".
22.10 Кино: "Амралай". Ҳ/ф.
00.10 "Тунингиз осуда бўлсин!"

БИРИНЧИ

04.00 Новости.
04.05 "Доброе утро".
08.00 11.00 14.00 02.00 Новости.
08.20 "Малахов +".
09.20 Т/с "Агент национальной безопасности".
10.20 "Понять. Простить".
11.20 "Лолита. Без комплексов".
12.20 "Детективы".
13.00 Другие новости.
13.30 "Контрольная закупка".
14.20 "Вне закона". "Вирус жадности".
15.00 Т/с "Любовь как любовь".
16.00 "Федеральный судья".
17.00 Вечерние новости.
17.20 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
18.20 "Пусть говорят".
19.00 Т/с "Татьянин день".
20.00 "Время".
20.30 Т/с "Смерть шпионам".
21.30 Х/ф "Остаться в живых", 3 с.
22.20 Д/ф "Завтра меня убьют".
23.30 Ночные новости.
23.50 Дневник XXIX Московского международного кинофестиваля.
00.00 "Доброй ночи".
01.10 02.05 Детектив "Супруги Харт вместе навсегда".
03.00 Т/с "Битва за галактику".

РОССИЯ

04.00 "Доброе утро, Россия!"
06.50 Д/ф "ВЧК против патриарха Тихона".
07.50 Т/с "Примадонна".
09.45 "Вести. Дежурная часть".
10.00 13.00 16.00 19.00 "Вести".
10.30 13.20 19.45 "Местное время. Вести - Москва".
10.50 "Суд идет".
12.00 Т/с "Закон".
13.40 Т/с "След оборотня".
15.40 "Вести. Дежурная часть".
16.20 "Местное время. Вести - Московская область".
16.40 Т/с "Танго втроем".
17.40 Т/с "Ангел-хранитель".
18.40 "Вести. Дежурная часть".
20.05 "Спокойной ночи, малыши!"
20.15 Т/с "Примадонна".
22.10 К юбилею. "Госпожа победа режиссера Мотыля".
23.10 "Вести +".
23.30 Х/ф "Расстанемся - пока хорошие".
02.05 "Дорожный патруль".
02.20 Т/с "Большая любовь".
03.00 Т/с "Война в доме".

НТВ

05.00 "Сегодня утром".
08.05 "Наше все!"
09.00 12.00 15.00 18.00 21.45 "Сегодня".
09.25 "Чистосердечное признание".
09.45 02.10 "Из коллекции телеканала "Спорт". Хоккей. Чемпионат России. Финал. "Ак Барс" (Казань) - "Металлург" (Магнитогорск).
12.10 Баскетбол. ЧМ. Женщины до 21 года. США - Австралия.
14.00 Бильярд. ЧЕ.
16.15 "Рыбалка с Радишевским".
16.30 "Из коллекции телеканала "Спорт". Футбол. Лига чемпионов 2003 - 2004. "Локомотив" (Рос) - "Интер" (Итал).
18.50 "Футбол России. Перед туром".
19.25 Баскетбол. ЧМ. Женщины до 21 года. Россия - Канада.
21.05 22.20 00.50 04.30 Спортивная гимнастика. Международная матчевая встреча Украина - Россия - Канада. Женщины.
22.15 "Вести-спорт. Местное время".
23.00 Волейбол. Мировая лига. Мужчины. Сербия - Россия.
01.40 "Футбол России. Перед туром".
05.25 "Сборная России". Н. Липкин.

Шанба

06.00 Баскетбол. ЧМ. Женщины до 21 года. Россия - Канада.
08.00 10.00 14.10 19.20 21.30 01.15 "Вести-спорт".
08.10 Волейбол. Мировая лига. Мужчины. Сербия - Россия.
10.10 "Вести-спорт. Местное время".
10.15 "Летопись спорта". Олимпиада для студентов.
10.50 Спортивная гимнастика. Международная матчевая встреча Украина - Россия - Канада. Женщины.
12.15 Профессиональный бокс. Юсеф Мак (США) против Хосе Хуана Васкеса (Пуэрто-Рико).
13.35 "Самый сильный человек", ЧМ по силовому экстриму.
14.20 "Футбол России. Перед туром".
14.55 Регби. "Кубок трех наций". Австралия - Новая Зеландия.
16.40 03.25 Художественная гимнастика. ЧЕ.
19.30 Баскетбол. ЧМ. Женщины до 21 года. Россия - Бельгия.
21.45 "Вести-спорт. Местное время".
21.50 Спортивная гимнастика. Международная матчевая встреча Украина - Россия - США. Мужчины.
23.10 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет. Польша – Бразилия.
01.25 Футбол. Премьер-лига. "Локомотив" (Мос) - "Крылья Советов" (Самара).
04.10 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет. Аргентина - Чехия.

Якшанба

06.10 Баскетбол. ЧМ. Женщины до 21 года. Россия - Бельгия.
08.00 10.00 13.45 17.50 23.00 02.00 "Вести-спорт".
08.10 13.55 15.55 01.20 04.10 Художественная гимнастика. ЧЕ.
10.10 23.15 "Вести-спорт. Местное время".
10.15 "Страна спортивная".
10.45 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет. Аргентина - Чехия.
13.10 "Сборная России". Софья Конух и Елена Смурова.
14.45 Конный спорт. Скачки на приз Президента РФ.
16.50 17.55 Футбол. ЦСКА - "Кубань" (Краснодар). 1-2-й тайм.
18.55 Баскетбол. ЧМ. Женщины до 21 года. Россия - Китай.
20.50 Футбол. Премьер-лига. "Ростов" (Ростов-на-Дону) - "Спартак" (Москва).
23.20 Волейбол. Мировая лига. Мужчины. Сербия - Россия.
02.10 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет. Япония - Шотландия.
04.55 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет. Испания - Уругвай.

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.



Мамлакат ҳақида

Тунис Республикаси — Шимолий Африка мамлакати.
Майдони — 164 минг км².
Аҳолиси — 10 миллион киши (асосан араблар).
Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 23 вилоятга бўлинган.
Пойтахти — Тунис шаҳри.

Қуруқликда Жазоир ва Ливия билан чегарадош, шимол ва шарқда қирғоқларини Ўрта Ер денгизи сувлари ювиб туради. Иқлими субтропик, жанубида тропик чўл иқлими.

Тунис ҳақли равишда жаҳон туризми марказларидан бири сифатида эътироф этилади.

JAHON POCHTASI

ТУНИС ПОЧТАСИ:

Йиллар силсиласи

1847 йил — биринчи почта бўлими очилди.

1848 йил, 14 сентябр — илк телеграф тармоғи очилиб, мамлакат пойтахтини Франциянинг Бордо шаҳри билан боғлади.

1878 йил, 1 июн — Тунис почтаси Бутунжаҳон почта иттифоқига аъзо бўлиб кирди.

1888 йил, 2 июл — илк давлат почта маркаси чиқарилди.

1892 йил, 11 июн — Тунис Бош почтамти тантанали равишда очилди.

1895 йил — почта транспорт хизмати иш бошлади.

1968 йил март ойи — почта хизмати автоматлаштирилди.

1980 йил, 20 март — почта хат-хабарларини индексациялаш қўлланила бошланди.

Тунис почтаси Европадаги илғор почта операторларига таққослаганда, унчалик ҳам қадимий ва бой тарихга эга эмас. Шунга қарамасдан, ушбу миллий почта оператори фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, ўрганса бўладиган жиҳатлар талайгина эканлиги аниқ-яққол намоён бўла боради. Айниқса, унинг ривожланиш суръатлари ҳар қанча ҳавас қилишга арзийди.

Тунис почтаси фаолиятини белгилаб берувчи Асосий қонун (Code de la Poste) 1998 йилнинг 2 июнида қабул қилинган. Мазкур қонун бугунги кунда ҳам почта оператори иши ва молиявий фаолиятини тартибга солувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Ўша йилнинг 15 июнида эса La Poste Tunisienne (Тунис почтаси) дея расмий ном берилган миллий почта хизмати тузилди.

Тунис почта қонуни "хат-хабарларнинг махфийлиги"ни кафолатлайди. Шунга қарамасдан, террорчиликка қарши курашнинг кучайиши муносабати билан, кейинчалик ушбу қонунга ҳам бир қатор ўзгартишлар киритилди. Масалан, янги таҳрирга кўра, ижтимоий тартиб ёки хавфсизликка дахл қилувчи почта материаллари қонундан ташқари деб ҳисобланади. Мабодо улар топилса, амалдаги қонунчилик асосида мусодара қилинади.

Шарқ қадриятлари, Ғарб технологиялари



Ҳаммаси режа бўйича

1998 йилнинг ноябр ойида Тунис почта хизмати аниқ мақсадга йўналтирилган ташкилий ва кадрлар тузилмасига эга, ривожлантириш режалари ва фаолиятнинг барча қирраларини мустаҳкамлашни кўзда тутувчи бизнес-режа ишлаб чиқди. Бугунги Тунис почтаси нафақат асосий фаолият — хатларни етказишни амалга ошириш борасида, балки тижорий фаолият ҳамда почта доирасидан ташқари маҳсулотлар савдоси билан ҳам муваффақиятли шуғулланаётган давлат монополияси ҳисобланади.

2000 йилнинг 7 ноябрида интернетда La Poste Tunisienneнинг расмий портали пайдо бўлди. Унинг сайти орқали ҳудудий почта бўлимлари, уларнинг хизматлари, маҳсулотлари ҳақида исталган маълумотни олиш, почта онлайн-хизматларидан фойдаланиш, реал вақт тартибида почта жўнатмаларининг ҳаракатланишини кузатиш, "электрон ҳамён"дан фойдаланиш ҳамда ойнахат ва хатлар жўнатиш мумкин. Шунингдек, Тунис почтаси тарихидан воқиф бўлиш, почта музейига "ташриф буюриш", энг асосийси, почта фаолиятига дахлдор исталган қонун билан яқиндан танишиш имкониятлари мавжуд.

Бундан ташқари, почта сайти орқали мамлакатга доир кенг маълумотнома-ахборотлар: телефон маълумотномалари, вазирлик ва идоралар сайтларига ҳаволалар, меҳмонхоналар ва транспорт хизмати бўйича маълумотномалар, электрон кутубхонадан фойдаланиш мумкин.

2002 йилнинг 31 май куни Тунис почтаси мамлакат маданий ва ижтимоий ҳаётига қўшган салмоқли ҳиссаси учун давлат мукофоти билан тақдирланди. 2004 йили эса миллий почта хизматининг ижтимоий соҳадаги ютуқлари яна бир бор мукофотга лойиқ топилди. Ўша йили Тунис почтаси Халқаро сифат менежменти сертификати (ISO 9001)ни ҳам қўлга киритганини таъкидлаш ўринли. La Poste Tunisienne юқори самарадор компания, унинг мамлакат чекка нуқталарида жойлашган почта бўлимлари одамларни ташқи дунё билан боғловчи ягона цивилизация ўчоқлари ҳисобланади. У ерларга хат ва бошқа почта жўнатмалари ҳануз туялар воситасида етказилади.

(Давоми бор.)

Собит АҲАДОВ тайёрлади

Ядро қуроли портлаши... тўғридан-тўғри эфирда

Ўтган дам олиш куни Чехия аҳолисини буткул саросимага солган воқеа юз берди. Чехия телевидениесининг иккинчи каналида намойиш этилаётган «Панорама» дастури тўсатдан тўхтатилиб, унинг ўрнига Шимолий Моравиянинг Есеник шаҳрида маҳаллий вақт билан 12.00да ядро қуроли портлаши юз берганлиги тўғрисида ахборот тарқатилди. Тўғридан-тўғри эфирга узатилган "ядро қўзиқорини"нинг осмонга кўтарилаётган тасвири бу ахборотни тасдиқлаб турар эди.

Фуқаролар эса телеканал таҳририятига қўнғироқ қила бошлашди. Бу воқеа телеэфир юзини кўрганидан сўнг ярим соат ўтиб, телеканал дирекцияси томошабинлардан узр сўраб, ядро портлаши ёлғон ахборотлигини ва бу компьютер қароқчиларининг иши эканлигини билдиришди.

Эътиборлиси, хакерлар ўзларини яширишга уриниб ҳам ўтиришмади. Ҳатто телеролик фонида Ztohoven "ижодий уюшмаси" интернет сайти манзили ҳам кўрсатилди. Мазкур уюшма бир гуруҳ радикал ёшлар томонидан ташкил этилган бўлиб, улар бундай ноўрин ҳаракатлари билан мамлакатда анча машҳур саналишади.

Мутахассислар гуруҳининг ушбу ҳаракатини турлича баҳолашмоқда. Уларнинг фикрича, чех радикаллари бундай ноқонуний ҳаракатлари билан Брдо полигонида АҚШ радарининг ўрнатилиши режасига қарши эканликларини намойиш этишмоқчи. Ztohoven аъзоларининг билдиришича, радарларнинг Маршалл оролидаги аҳоли йўқ ҳудуддан Брдо полигонига олиб келиниши якин атрофда жойлашган аҳоли масканларида катта экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Радикаллар таниқли мутахассисларнинг сўзларига таяниб, радарнинг электромагнит майдони инсон организмини ҳалокатли аҳволга олиб келади, деган фикрдалар. Шунинг учун ҳам бундай эътирозли чиқишларни яна амалга оширишларини айтиб ўтишган. Ролик мамлакат ёшларининг аксариятида шу даражада катта таассурот қолдирдики, хакерлар сайти "Супер", "Яшшаворинглар", "Шундай бўлиб қолсин" каби ёзувларга тўлиб кетди. Телеканал раҳбарияти эса бундай ҳолатнинг такрорланишидан хавфсйраб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан тезроқ чора кўришларини сўради. Прагада "якшанба воқеаси" юзасидан расмий текширувлар бошланган.

Тўғридан-тўғри телевизион эфирга бундай ҳужум уюштирилиши компютер жиноятчилигида биринчи бор кузатилмоқда. Кибертерроризм борган сари янгидан-янги услубларни ўйлаб топяпти. Уларга қарши курашиш эса борган сари қийинлашмоқда...

Лутфилло ТУРСУНОВ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги нашри бўлган «Xabar» газетаси ҳам истиқлол меваси ҳисобланади. Ўн беш йилдирки, у соҳа ходимларининг энг яқин суҳбатдошига айланган. Қувонарлиси, мухлислар ўз газеталарига кўнгилдан ёзилишиб, ҳар бир сонини кузатиб боришяпти. Хўш, бундай фаоллик сири нимада? Қолаверса, муштарийларнинг газета ҳақида қандай фикр-мулоҳаза ва таклифлари бор? Журналистлар касб байрами арафасида мухбиримиз бу каби саволларга жавоб излаб, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаларида бўлди.

«Xabar»га меҳримиз бўлакча...

Муҳиддин МАҲСУМҚУЛОВ,
Қизириқ туман почта алоқаси тармоғининг бўлим бошлиғи:

— Туманимизда қарийб тўққиз минг нафар пенсионер бор. Бу пиру бадавлат инсонларни иззат-ҳурмат қилиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Севимли газетамиз «Xabar»да катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган соҳа кишилари ҳақида кўп ёзилаётганидан хурсандмиз. Обуна масаласига келсак, бу борада ҳеч қачон муаммога дуч келганимиз йўқ. Бир сўз билан айтганда, ходимларимиз уни йил бўйи ўқиш имконига эга бўлишган.

Ҳасан БЕРДИМУРОДОВ,
Жарқўрғон туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи:

— Жамоамиз аъзолари «Xabar»нинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутишади. Уни шунчаки кўз югуртириб чиқиш учун қўлга олишмайди, балки соҳада рўй бераётган туб ўзгаришлардан хабардор бўлиш, компютер саводхонлигига эришиш — асосий мақсадга айланган. Шу боис, улар «Xabar»га обуна бўлишда ҳеч иккиланишмайди.

Тўғри, амалдаги бозор иқтисодиёти туфайли бу жараённи икки босқичда ўтказяпмиз. Дастлаб йилнинг ярмигача, май ойида эса қолган олти ойликка ёзилиш йўлга қўйилган. Июн ойининг бошида 2007 йилнинг иккинчи ярми учун 36та обуна квитанцияси тўлғазилди.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиз журналистларини, хусусан, «Xabar» газетаси ижодий жамоасини анъанавий касб байрамлари билан табриклаб, ғоят машаққатли, аммо шарафли ишларига муваффақият тилайман.

Умарали БАРАТОВ,
Денов туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи:

— Яқинда йилнинг иккинчи ярми учун қирқ дона «Xabar» газетасига ёзилдик. Буни маълумот учун бежиз келтирмаяпман. Аҳил жамоамизнинг «Xabar»га меҳри бўлакча. Улар саҳифаларда ёритилаётган соҳамизга доир мавзуларни синчиклаб ўрганишади. Айниқса, "Жаҳон почтаси" рукнида бериб борилаётган материаллар барчамизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шундай экан, «Xabar»га обуна масаласида муаммо бўлмайди.

Агар фикр жоиз бўлса, юртимизда кенг нишонланадиган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини — биз муштарийлар учун ҳам байрам деб биламан. Чунки, фаолиятимиздаги ҳамнафаслик сезилиб турибди. Сизларни муборакбод этган ҳолда, ҳар кун эл ичида юрган хабарчилар ҳақида кўпроқ ёзишларингизни истаб қоламан.

Нортожи ЗИЁЕВ,
«Xabar»нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

«Unitel» компаниясига сертификат

"Unitel" масъулияти чекланган жамияти ISк 9001:2000 мувофиқлик сертификатини олди.

— Шу йил 23-25 апрел кунлари компаниямизда сертификациялаш бўйича SGS Швейцария органи томонидан Сифат бошқаруви тизими сертификациялаш аудити ўтказилди ва биз ушбу синовдан муваффақиятли ўтдик, — дейди «Unitel» МЧЖ бош директори Евгений Рубан. – Фаолиятимизнинг асоси доимий равишда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва мижозларнинг талабини қондиришга қаратилган. Биз «Вымпелком» ОАЖ гуруҳлари орасида биринчи бўлиб ушбу сертификатни қўлга киритдик.



Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

«Билайн» савдо белгиси остида фаолият юритувчи Юнител компанияси барча оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан муборакбод этади. Уларга соғлик - саломатлик, бахту иқбол ва ишларида улкан зафарлар тилайди!

Билайн™
ҳаётнинг ёркин тарафида бўл

Ҳамкорлар лицензиялаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сим-карталар "UNITEL" МЧЖ томонидан сотилиб олинади.

SEMINAR

Тизимли ўқитиш режаси асосида вилоятларда ўтказилаётган ижро интизоми бўйича ўқув-семинарнинг навбатдагиси шу йилнинг 19 июн куни "Наманган Телеком" филиали мажлислар залида ўтказилди.

Ижро интизомига бағишланди

Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхона ва идоралар раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, "Наманган Телеком" ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиалларининг шаҳар ва туман таркибий бўлинмалари бошлиқлари, ижро интизомини ташкил этишга масъул ходимлар иштирок этишди.

Семинарни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ш.Тоштемиров очди. Мазкур ўқув машғулотларини ўтказиш мақсадлари ҳақида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Ҳ.Исаев сўзга чиқди.

Ўқув семинарининг биринчи қисмида "Ўзбектелеком" АК умумий бўлими бош мутахассиси Н.Ибрагимов иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш тартиби ва самарадорлигини ошириш, Давлат алоқа инспекцияси бўлим бошлиғи М.Мамажонова фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, ушбу масала бўйича ҳисоботларни тайёрлаш, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ходимлар бўлими бошлиғи Т.Хўжақулов соҳа тизимидаги корхоналарда меҳнат қонунчилиги масалалари бўйича фикр ва мулоҳазаларини баён қилишди.

Семинарнинг иккинчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг жойлардаги ижросини таъминлаш, меҳнат қонунчилиги ва бошқа масалалар тўғрисидаги маърузалар тингланди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Шуҳрат ПАРПИЕВ,
«Xabar»нинг Наманган вилоятидаги мухбири

ПОЧТА ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Самарқанд шаҳрида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан "Почта алоқаси соҳасида ахборот технологияларини жорий этиш, такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳамда почта хизматини ташкил этиш" мавзуида икки кунлик семинар ўтказилди. Уни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев олиб борди.

Семинарда почта тизимида ахборот технологияларининг жорий этилиши хусусида маърузалар тингланди. Янги технологиялар турларининг тақдимоти ўтказилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги "2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорининг "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиалида қандай бажарилаётганлиги ҳам ўрганилди. Иштирокчилар "Самарқанд почтамти"нинг 1, 20, 33, 34-почта алоқаси бўлимларидаги иш жойлари ҳамда Гулобод почта алоқаси тармоғида ташкил қилинган интернет-кафеда кўрсатилаётган хизмат турлари билан танишдилар.

Иззат АҲМЕДОВ

ЁЗГИ ДАМ ОЛИШ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА

Қорақалпоғистон алоқачилари фарзандларининг 300 нафардан ортиғи бу йилги ёз мавсумини дам олиш оромгоҳларида ўтказишади. Яқинда 30 нафар бола Тошкент вилоятидаги "Нилуфар", 60 нафар бола эса "Алоқачи" оромгоҳларида мириқиб дам олиб қайтишди. Шу кунларда яна 90 нафар бола ушбу оромгоҳларга дам олиш учун жўнаб кетишади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги оромгоҳларда яна алоқачиларнинг 174 нафар фарзанди мириқиб дам олишади.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ,
«Xabar»нинг Қорақалпоғистондаги мухбири

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали ишчи-ходимлари хизмат маданиятини юксалтириш иштиёқида меҳнат қилишаётир.

Юз йилдан кейин

Улар почта қонун ва қоидалари асосида ишлашни йўлга қўйиш билан биргаликда филиал ва унинг тизимидаги барча алоқа бўлимларида хона жиҳозлари, иш анжомлари, ўриндиқлар ҳамда биноларни тўлиқ замон талаби даражасида таъмирлаб мижозлар учун қулайлик яратмоқдалар.

Бугунги кунда Иштихон, Нуробод, Жомбой, Оқтош бўлимларида қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилган бўлса, Самарқанд шаҳар цехида иккита алоқа бўлими янгидан қурилиб, қолган бўлимлар таъмирдан чиқиш арафасида турибди. Шунингдек, Нуробод туманининг Оқсой қишлоғида алоқа ускуналари билан жиҳозланган уч хонали бўлим замон талаби даражасида таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Шаҳар марказидаги шаҳар цехи (почта) бинoси қурилганига салкам юз йил бўлган. Мазкур бино ҳам таъмирланиб, қўшимча янги хоналар қурилмоқда.

Қурилиш-таъмирлаш ишларига "Нефрит-сервис" ОАЖ раҳбари Г.Ҳолиқова бошчилигидаги қўш бўлаётган бўлса, ишларни замон талаби даражасида бажарилишига Бахтиёр Маҳмудов бошчилик қилмоқда.

Зубайдулло ИБРОҲИМОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали ходими

Касбини улуғлаб

Шундай инсонлар борки, улар ўзларининг севган касби билан халқимизнинг хизматига чин дилдан камарбаста бўлиб, уларнинг ҳурмат-олқишини қозонишади.

Меҳнат фахрийси Юсуфжон ака Нарзиддиновнинг касби оддий, аммо шарафлидир. У киши салкам 37 йилдан буён "Фарғона Телеком" филиали Сўх телекоммуникациялар боғламасидаги "Чумоқча" қишлоқ марказий АТСда электромонтёрлик касби билан мижозлар ҳурмат-эътиборини қозониб келяпти.

Юсуфжон бу касбни раҳматли устози Муҳаммаджон Қобиловдан ўрганиб, у кишидан сабоқ олган.

— Мен касбим билан фахрланаман. Сабаби халқимга, жамиятимизга озми-кўпми фойдам тегяпти, — дейди алоқа фидойиси Ю.Нарзиддинов.

Боғлама раҳбарияти у кишининг кўп йиллик меҳнати ҳамда ёшини инобатга олиб, мижозлар бўлимига ишга ўтказишди. Эндиликда тажрибали алоқачи ўз олдига қўйилган вазифани адо этиш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда.

Асқарбек АНБАРЖОНОВ,
Фарғона вилояти,
Сўх тумани

SUD ZALIDAN

ТЕЛЕФОН СЎЗЛАШУВЛАРИ ДАХЛСИЗ...МИ?

Суд мажлисининг авж палласи эди. Судя билан даъвогар ўртасидаги сўроқ-жавобдан ҳушёр тортдик:

— Қўшнингиз бўлган бу аёлнинг енгилтак эканига далилингиз борми? — сўради судя.

— Бор...

— Айнан ахлоқсизлик устида кўрганмисиз? Ёки гувоҳ бўлганлар борми?

— Менда магнитафон кассетаси бор. Қандайдир эркак билан телефонда гаплашаётгани ёзиб олинган.

Судянинг ҳайрати ортди:

— Ким ёзиб олибди?

— Ўзим ёзиб олганман...

— Сизга бундай ҳуқуқни ким берган?.. Телефон сўзлашувлари сир тутилади-ку?! Ашёвий далилингиз ноқонуний, буни ишга қўшолмаймиз!..

Танаффус пайтида ҳимоямдаги жавобгар қилинаётган аёлдан сўрадим.

— Сизнинг телефонда сўзлашаётганингизни ҳақиқатан ҳам қўшнингиз магнит тасмасига ёзиб олганми? Бу ҳақда билармидингиз?

Уят ва хижолатдан азобланиб деди:

— Алам қиладигани ҳам шунда-да! Қўшним мени обрўсизлантириш мақсадида бизнинг телефон линиямизга яширинча уланиб, сўзлашувларимни эшитиб юрган. Мен раҳбар аёл бўлсам, иш юзасидан ҳар қандай киши, у хоҳ аёл, хоҳ эркак, таниш ёки нотаниш бўлсин, мулоқот қилишим, муомала юритишимга тўғри келади. Мен билан жанжаллашиб юрадиган бу қўшним кўча-кўйда ҳам "менда эркак киши билан телефонда гаплашаётганида ёзиб олинган сўзлашуви бор", деб юрганмиш. Бунинг учун жавобгарлик борми?

Албатта, бор!

Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 27-моддасида фуқароларнинг шахсий муносабат усулларининг дахлсизлик ҳуқуқи кафолатланган. Унга кўра, ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Кўриниб турибдики, қонунда тўғридан-тўғри кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари ҳеч кимнинг шахс иродасига зид ҳолда унинг ёзишмалари, телефон сўзлашувлари, телеграф маълумотлари билан танишишга ҳаққи йўқ.

Бундай жиноятни содир этган шахслар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 143-моддасига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Юқорида тилга олганимиз, суд мажлиси жараёнида бир аёл ўзининг фараз қилган ҳуқуқларини амалга оширишда бошқа аёлнинг ҳуқуқини поймол қилиб, манфаатларига дахл этгани аён бўлиб қолди. Бошқача айтганда, қўшни аёлнинг "енгилтак экан"ини исботлайман, деб даъвогарнинг ўзи жиноий хатти-ҳаракатни амалга оширган.

Биз ҳимоямиздаги аёл манфаатларидан келиб чиқиб, суддан янги аниқланган ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 416-417-моддаларига кўра хусусий айрим чиқарилишини сўраб илтимоснома ёздик. Бунга асосан, қўшнисининг телефон сўзлашувларини тинглаб юрган аёл хатти-ҳаракатларига қонунда белгиланган тартибда чора кўрилишини, магнитафон кассетаси ашёвий далил сифатида олиб қўйилиши ва йўқ қилинишини сўрадик.

Суд айрим чиқарди ва прокуратура органига янги очилган жиноий ҳолат бўйича ўрганиб чиқилишини сўраб тақдимнома киритди.

Бизнинг воқеа жойи ҳамда фуқароларнинг исм-шарифларини аниқ кўрсатмаганимизни зукко ўқувчиларимиз ҳам тушуниб олгандирлар. Мақсадимиз, кимнидир шарманда қилиш эмас, балки ўзларини ҳақ деб, фараз қилган ҳуқуқларини амалга оширишга уриниш оқибатида ўзгаларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига дахл қилиб қўйишларидан эҳтиёт бўлиш лозимлигини таъкидлашдир. Акс ҳолда, даъвогар сифатида судга мурожаат қилган аёлнинг ўзи жиноят қора курсисига ўтириб қолгани сингари жиҳолатли аҳволга тушиш ҳеч гапмас!..

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ,
«Xabar»нинг Андижон вилоятидаги мухбири

"KABUTARDAN — SAMOVIY ALOQAGACHA!"

ПОЧТАЧИ ФИЛЛАР

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

Уюшма аъзолари ҳар тўрт йилда тўпланишиб, почта янгиликлари, ҳозирги кундаги айрим давлатларда ишлатилаётган илғор усуллар, муаммолар ҳақида суҳбатлашиб, ишлаб чиқариш жараёни билан танишадилар.

1938 йилда Испания ўзининг Каталония вилояти билан боғланиш учун сувости кемаларини ишга солган.

1871 йилда қуршовда қолган Париж аҳолиси хатларни аэростат, дрижабл орқали жўнатиб турган. Махсус йўналиш бўйича ўрнатилган трубалар орқали ҳаво сиғимида «Пневматик почта» усуллари 1853 йилда Англияда Марказий телеграф ва биржа фонди оралиғида ишлатилган.

1911 йилда биринчи ҳаво почтаси Ҳиндистоннинг Аллоҳобод шаҳрида амалга оширилган. Бу усул тез орада бутун Осиё, Европани қамраб олиб, ҳозирги кунгача авиапочта энг сиғимли усул ҳисобланади. Аммо бугунга келиб, авиация электрон почта, интернет ва бошқа самовий почталарга ўз ўрнини бўшатиб бермоқда.

1865 йилда Германияда почта открыткаси, 1870 йилда хатжилд чоп этила бошланди. 1890 йилга келиб маркали хатжилд муомалага киритилди. Хатларга урииладиган почта штемпели 1854 йилда Саксония почтасида қўлланила бошланган.

1909 йилда Берлин почтамтида открытка ва хатжилд сотувчи автоматлар синовдан ўтказилган. 1923 йилда Америкада биринчи бўлиб хат сараловчи мослама машиналар ишга туширилди. Бу эса дунё бўйича хатжилдларни бир хил стандартда ишлаб чиқаришга йўл очди.

Буюртмали хатлар қабул қилиш 1854 йилдан бошлаб Австрия почтасида қўлланила бошланди.

1843 йилда Швейцарияда, 1845 йилда Финляндияда, 1849 йилда Германияда марка чиқаришга муваффақ бўлинган, лекин биринчи почта маркасининг туғилган куни деб 1846 йилда Англияда чоп этилган «Қора пенни» маркаси танолинган.

Почта маркаси ҳозирги кунга келиб, дунё аҳолиси ўртасида хат, бандерол, открытка ва бошқа жўнатмалар учун почта хизмати тўлови сифатида ишлатиб келинмоқда.

Дунёда марка чоп этувчи мамлакатлар сони 60тадан ошмайди, чунки уни чоп этиш учун махсус қоғоз, бўёқ ва фабрика жиҳозлари (давлат белгиси)га эга бўлиш керак. Ўзбекистон ҳам марка чоп этувчи давлатлар қаторига киради.

Йиллар ўтиши билан маркаларнинг тури, шакли, безаклари ҳам ўзгариб кетди. Улар қоғоздан ташқари турли мато ва бошқа нарсаларда ҳам чоп этилиб, унинг безагига ҳатто кумуш ва тилло сувлари ишлатилган.

1863 йилда Лейпцик шаҳрида биринчи марка сотувчи филателия дўкони очилган. 1861 йилда Францияда илк почта маркаси каталоги чоп этилди. Унда 11 мамлакатда чиқарилган 44 хил маркалар кўриниши, адади, нархи, безаги, рассомнинг исми ва бошқа изоҳлар берилган.

Марка тўпловчилар — филателистлар дейилади. Ҳозирги кунда дунёда уларнинг сони бир неча юз миллионни ташкил этади. Ривожланган ҳар бир мамлакатда уларнинг жамияти мавжуд. Ўзбекистонда ҳам 2004 йили Филателистлар жамияти ташкил этилган.

Барча хатжилд, открытка ва бандеролларга ёпиштириладиган маркалар асосан тўртбурчак бўлиб, ҳажми 2,5х1,5 см. Улар энг кўп миқдорда чоп этилиб, бир хил рангда бўлади.

Маркаларнинг иккинчи тури бадиий маркалар бўлиб, улар ҳам хат-хабарларга ёпиштирилишидан ташқари, филателистларнинг маҳсулоти ҳисобланади. Филателистлар ўзи тўплаган маркалар кўргазмасини намойиш этиш учун турли анжуманларда қатнашадилар.

Европа давлатларида бундай кўргазмалар кўпгина музейларда мавжуд. Жумладан, Англия қироличаси Елизавета IIнинг Букенгем саройида қирол оиласининг шахсий маркалар кўргазмаси доимий равишда намойиш этилади.

Бой коллекция эгалари, кекса филателистлар тўплаган ноёб маркалар дунё бозорида миллион-миллион доллар ҳисобида баҳоланади. Америкалик миллионер Хатид Гвинеяда 1856 йилда чиқарилган бир дона маркани 2 миллион долларга сотиб олган. Англияда чиқарилган биринчи маркалардан бири — «Яшил Маврикий» нусхаси ҳозир дунёда 4 дона сақланиб қолган. Унинг биттаси қиролича Елизавета коллекциясидан жой олган.

Филателистлар ўртасида жаҳонга машҳур кишилар ҳам бўлган. АҚШ президенти Ф.Рузвелт, Ҳиндистон бош вазири Ж. Неру, фазогирлар Ю.Гагарин, Демин, Горбатка, шахмат бўйича жаҳон чемпиони А.Карпов, машҳур цирк артистлари О.Попов, Ю.Никулин, машҳур олим А.Эйнштейн ва бошқалар шулар жумласидандир.

1905 йилда германиялик жонкуяр филателистлар учун олий мукофот — Линдерберг медали таъсис этилган. Немис филателисти Алфред Мошкау тўплаган маркалари билан 6 мингдан ошиқ кўргазмада иштирок этган. Германияда ҳар йили октябр ойининг 4-якшанбасида филателистлар байрами нишонланади.

Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонга бағишланган маркалар сони 40га яқин бўлган бўлса, мустақиллик даврида «Ўзбекистон почтаси» муҳри билан чиққан маркалар сони 700тадан ошиб кетди.

Биринчи марка тўплаш учун ишлатиладиган албом (кляссер) 1864 йилда Германияда пайдо бўлган. Франция, Германия, Швейцария ва бошқа Европа мамлакатларида марка тўғрисида дарсликлар мавжуд.

Ўз вақтида, яъни 1922 йилда Хоразм, 1924 йилда Бухоро ҳам ўз маркаларини чиқарган. Уларнинг сифати анча паст бўлиб, асосан хат-хабарларга ёпиштириш учун ишлатилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, 1991 йилдан бошлаб ўз маркаларини чиқара бошлади. Биринчи ўзбек почта маркасида шарқ шоираси Нодирабегим тасвири туширилган.

Эгамберди ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон филателистлар жамияти раиси

BU — QIZIQ!

Одам боласи қандай юради? Албатта, оёғи билан-да, дейишингиз турган гап. Зеро, ҳаммага маълум бўлган ана шу ҳақиқат асосида тиббиёт олимлари ажойиб изланишларга йўл топишди.

Уйғотар соат

Гап шундаки, одам уйғотар соатдек табиат ҳодисалари билан боғланган ҳолда, қуёш ва ой ҳаракатлари билан мутаносиб равишда ҳаракат қиларкан.

Тиббиёт олимлари инсон табиатини узоқ йиллар ўрганиши натижасида одам аъзолари — ақли, танаси ҳамда руҳи туғилгандан токи бу ёруғ дунёни тарк этгунча уч йўналишдаги туркум сифатларни касб этади, деган хулосага келишди. Боиси, кун мобайнида одам уч марта жунбушга келиб, ақлий ва жисмоний имкониятлари мутаносиблигини ҳис этар экан. Кайфиятимиз истасак-истамасак ана шу ўзгаришлардан қувват олиши табиийдир. Олимлар шуларга асосланиб, фойдали тавсияномалар устида ишламоқдалар. Бундай тавсиялар дам олиш пайтларида кўпроқ самара бериши мумкин экан. Мисол учун, ҳайдовчиларнинг тунги соат 2-00дан эрталабки 4-00гача рулда ўтиришлари тўғри келмайди. Улар ҳаттоки, тунги сменада ишлашга кўникма ҳосил қилган бўлсалар-да, кўпинча салбий оқибатларнинг келиб чиқишига бевосита йўл қўярканлар. Сабаби, ана шу пайтларда инсондаги ўзига хос уйғотар соат тўхтаган бўлади.

Олимлар мактаб ўқувчиларининг унумли дарс тайёрлашлари учун соат 16-30дан 18-00гача машғулот қилишлари лозим деб, маслаҳат беришмоқда.

Бундай қараганда, ҳар бир кишининг аъзосида уйғотар соат бор ва у кун бўйи турли ҳолатга солиб туради. Қуйидаги маълумотлардан ҳам маълум фикрга келиш мумкин.

Қўли гул кишилар бирон нарсани тузатиб ёки созлаб олишлари учун соат 15-00дан 16-00гача шуғулланишлари кўпроқ наф бераркан.

Танишув ва мулоқот вақти: эрталабки соат 9-00 билан 10-00 орасида одамлар ўртасида энг самимий муносабат ва қўл қисишлар бўлар экан.

Шифокор ҳузурида: эрталаб соат 9-00ларда укол олиш танага яхши сингишини мутахассислар маслаҳат беришмоқда.

Спорт билан шуғулланиш: мушакларимиз айни соат 6-30да фаол ҳолатда бўлиши тасдиқланди.

Овқатланиш пайтлари: соат 13-00 атрофида ошқозонда сув йиғилиб, иштаҳа очилган палла ҳисобланар экан.

Эркин нафас олиш: соат 16-00 билан 18-00 ўртасида енгил ва тўйиб нафас олиш мумкин эканлиги ҳаётда кўп кузатилган.

Сезгирликнинг ортиши: одам таомлар таъмини яхшироқ ҳис этиш, тиниқ эшитиш ва сезиш каби ҳолатларга соат 17-00 билан 19-00 атрофида мойил бўларкан.

Қаршилик аломатлари: инсон танасида соат 22-00ларга борганда турли касалликларга қарши курашиш қобилиятининг зўрайишини тиббиёт мутахассислари тасдиқламоқдалар.

Туғилаётган чақалоқларнинг аксарияти тунги 24-00 билан тонги 4-00ларда дунёга келаркан.

Киши соат 20-00 билан 22-00 оралиғида ёлғизликка эҳтиёж сезмас экан.

Аёлларимиз соат 18-00дан 20-00гача пардоз-андозларга берилсалар, мутахассисларнинг айтишига қараганда, анча самарали кечаркан.

Кўриш қобилияти: тажрибалар шуни кўрсатдики, машина ҳайдовчилар тунги соат 2-00ларда атрофни ёмон кузатар эканлар.

Бўшашиш соати: эрталаб 4-00 билан 5-00 ўртасида қон босими камайиб, киши ухлашга кўпроқ эҳтиёж сезаркан.

AJAB DUNYO

ОЗОДАЛИК ҲАҚИДА ЯНГИЛИК

Яқинда олимлар ҳаддан ташқари озодалик ҳам инсонлар организми учун зарар, деган хулосага келишди. Бу каби озодалик инсонлар организмида аллергик касалликлари, жумладан, бронхиал астмани келтириб чиқариши мумкин экан.

Айни кунларда тозалик воситаларини ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини реклама қилиш мақсадида микробларнинг инсон учун жуда зарарлиги ҳақидаги фикрларни уқтирмоқдалар. Аслида ундай эмас. Олимларнинг фикрича, организмдаги бактериялар уйғунликда яшаб, иммунитетни мустаҳкамлашда ёрдам берар экан.

ИГНАСИЗ ЭМ

Калифорниядаги StrataGent Life Sciences компанияси игналарсиз, терига умуман зарар етказмайдиган тарзда эм қилиш йўлини топишди.

Ушбу усул тери остига инъекция қилишнинг энг янги усули бўлиб, унда умуман шприцлардан фойдаланмаса ҳам бўлади. Айни пайтда йилига 12 миллиард дона игнали шприц ишлаб чиқилади. Олимларнинг фикрича, анъанавий шприцлар кўплаб камчиликларга эга.

Янги шприцда дориворлар микроқимлар ёрдамида организмга юборилади. Унинг оқим тезлиги сониясига 100 метрни ташкил қилади.

SPORT

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ, КУРАШ ЭСА ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг мини-футбол бўйича Кўчма Кубоги учун ташкил этилган спорт беллашувининг бу йилги "Ғарбий" ҳудудий-минтақавий учрашувлари Навоий шаҳрида бўлиб ўтди.

Мазкур беллашувда республикамизнинг олтита вилоятидан – "Қорақалпоқ Телеком", "Бухоро Телеком", "Қашқадарё Телеком", Сурхондарё вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси, АТ "Алоқабанк"нинг Навоий ва Хоразм вилоятлари филиаллари жамоалари ўзаро куч синашдилар.

— 2001 йилдан буён ўтказилаётган ушбу тадбирнинг асосий мақсади, — дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош юридик маслаҳатчиси Бердиёр Жабборов, — алоқачилар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соҳада ўтказилаётган спорт тадбирлари ва мусобақаларида алоқа ходимлари оилаларини ҳам жалб қилишдан иборат.

Икки кун давом этган қизғин курашлардан сўнг ғолиблар аниқланди. Мусобақанинг кейинги босқичида иштирок этиш йўлланмаларини Қорақалпоғистон (1-ўрин), Навоий (2-ўрин) ва Сурхондарё вилоятлари (3-ўрин) алоқачилари қўлга киритдилар. Ғолиб жамоаларга республика беллашувларида иштирок этиш ҳуқуқидан ташқари эсдалик совғалари ҳам топширилди.

Шунингдек, мусобақада "Энг яхши ҳужумчи" номинациясини қўлга киритган Сурхондарё жамоасидан Баҳром Олимов, "Энг яхши тўпурар" номинациясига эга бўлган Бухоро жамоасидан Камол Тошев, "Энг яхши дарвозабон" деган номга эга бўлган Навоий жамоасидан Нормамат Обидов, "Энг ёши улуғ ўйинчи" номинациясини қўлга киритган Қорақалпоғистон жамоаси аъзоси Владимир Бегларян, "Энг яхши ҳимоячи" қашқадарёлик алоқачи Эрмат Ҳамдамов ҳамда "Энг маҳоратли ўйинчи" номинациясига эга бўлган Хоразм жамоасидан Дилмурод Бегжоновлар ташкилий қўмитанинг махсус дипломлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Беллашувда бизнинг жамоа кейинги босқичга чиқа олмаган бўлса ҳам, биз яхши ўйнадик, — дейди АТ "Алоқабанк"нинг Хоразм вилоят филиали кредит бўлими етакчи мутахассиси Д.Бегжонов. — Менинг ўзим тўртта гол урдим. Энг муҳими, спорт беллашуви баҳонасида Навоий шаҳрига биринчи марта ташриф буюрдим. Гулларга бурканган бу гўзал шаҳарда яхши дўстлар орттирганимдан, унутилмас таассуротлар олганимдан жуда хурсандман. Бунинг учун мусобақа ташкилотчиларига раҳмат.

Дарҳақиқат, мусобақаларнинг юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг маънавият, маърифат ва спорт ишлари бўлими, Агентликнинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси, "Навоий Телеком" филиали ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Навоий филиали раҳбарлари катта ҳисса қўшдилар.

Мусобақаларнинг холис ва адолатли ҳамда юқори савияда ўтишини республика тоифасидаги ҳакамлар Илдар Шамсиев ва Равшан Ибрагимовлар таъминлашди.

Беллашув иштирокчилари Навоий вилоятдан оламолам таассуротлар билан қайтдилар.

Маруса ҲОСИЛОВА

"Ўзбектелеком" АК "Наманган Телеком" филиали жамоаси Наманган телекоммуникациялар боғламаси хўжалик хизмати бошлиғи, меҳнат фахрийси Ҳусанбой Солибаевга волидаи муҳтарамаси

ЎҒИЛХОН ҳожи аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инилеев 7 июлдан старт оладиган Осиё Кубогида иштирок этувчи 23 кишидан иборат асосий ва 7 кишидан иборат захира, жами 30 кишилик кенгайтирилган рўйхатни ОФКга юборди.

ОСИЁ КУБОГИГА БОРАДИГАН ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Рўйхатдан тажрибали футболчиларимиз қаторида бир нечта дебютантлар ҳам ўрин олди. Жумладан, мазкур мавсумда "Нефтчи" таркибида анча ишонарли ўйин кўрсатаётган дарвозабон Ғайрат Ҳасанов, "Машъал" клуби ҳимоячиси Хайрулла Каримов, Словакиянинг "Слован" клуби ҳужумчиси Азиз Иброҳимов, "Локомотив" ярим ҳимоячиси Азиз Ҳайдаров ва "Пахтакор"чи Анзур Исмоиловлар илк бор асосий терма жамоа либосида майдонга тушиш имконига эга бўлишди.

ОФКга тақдим этилган тўлиқ таркиб қуйидагича:

Дарвозабонлар: *Павел Бугало ("Қурувчи"), Игнатий Нестеров ("Пахтакор"), Ғайратжон Ҳасанов ("Нефтчи");*

Ҳимоячилар: *Хайрулла Каримов ("Машъал"), Ботир Қораев ("Машъал"), Асрор Аликулов ("Пахтакор"), Анзур Исмоилов ("Пахтакор"), Алексей Николаев ("Актобе", Қозоғистон), Ислом Иномов ("Пахтакор"), Виталий Денисов ("Днепр", Украина);*

Ярим ҳимоячилар: *Азиз Ибрагимов ("Слован", Словения), Азизбек Ҳайдаров ("Локомотив", Тошкент), Сервер Жепаров ("Пахтакор"), Марат Бикмаев ("Рубин", Россия), Ҳикмат Ҳошимов ("Насаф"), Мансуржон Саидов ("Нефтчи"), Темур Кападзе ("Пахтакор"), Элдор Магдеев ("Пахтакор"), Иқболжон Акромов ("Нефтчи");*

Ҳужумчилар: *Павел Соломин ("Сатурн", Россия), Улуғбек Бақоев ("Тобол", Қозоғистон), Александр Гейнрих ("Пахтакор"), Максим Шацких ("Динамо", Украина).*

Захира ўйинчилари: *Анвар Ғофуров ("Машъал"), Комолиддин Тожиев ("Пахтакор"), Илҳомжон Суюнов ("Пахтакор"), Виктор Карпенко ("Қурувчи"), Одил Аҳмедов ("Пахтакор"), Ҳамза Каримов ("Машъал"), Жасур Ҳасанов ("Қурувчи").*

Эслатиб ўтамиз, терма жамоамиз Эрон, Хитой ва майдон эгалари – Малайзия билан бир гуруҳдан ўрин олган. Рауф Инилеев шогирдлари мусобақани 11 июл куни Эронга қарши ўйин билан бошлайди. Унгача вакилларимиз Жанубий Кореяга сафар уюштириб, 2 июл куни Ироқ терма жамоаси билан, 5 июл куни майдон эгалари билан ўртоқлик ўйинини ўтказади.

ТОТТИ — "ОЛТИН БУТСИ" СОҲИБИ

"Рома" сардори – Франческо Тотти якунланган мавсум натижаларига кўра Европанинг энг кучли тўпурарига айланди.

Мавсум давомида Италия "А" сериясида 26та гол киритган Тотти "Реал" ҳужумчиси Рууд ван Нистелройдан бир гол фарқига ўзиб кетди. Тотти бутун мавсумни тиззасидаги металл пластинка билан ўтказди.

"Бир йил аввал ҳамма менинг фаолиятим якунлангани ҳақида гапиришарди. Лекин ҳозир мен Жаҳон Чемпиони ва энг яхши тўпурарман", — дейди Тотти.

"Олтин бутси" соҳиби Европа чемпионатларидаги тафовутни ҳисобга олган ҳолда очколар бўйича аниқланади. Тоттининг 26 голи учун 52 очко, 25 та гол урган Ван Нистелройга эса 50 очко берилди. Голландиянинг «Херенвен» клуби аъзоси Афонсу Алвиш 51 очко билан уларнинг ўртасидан ўрин олган. Португалиялик бу ҳужумчи чемпионат давомида 34 тўп киритишга муваффақ бўлган.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусаид КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шуҳрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:
100060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: *orif@infonet.uz*

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорий материал — 0
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

553-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 9411 нусха.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: **Аслиддин БЎРИЕВ.**
Матн терувчи: **Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.**

Ахборот ҳамкоримиз: UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят мухбирлари:	Андижонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчда	Фарғонада	Қаршида
	226-47-80	223-27-85	40-12-19	226-60-92	225-91-10	226-61-85	217-26-63	234-06-71	224-06-12	133-36-48	226-43-13	226-87-71	224-08-99

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti qoshidagi Mirzo Ulug'bek akademik litseyi

TA'LIM TIZIMIDA

ИҚТИДОРЛИЛАР КАМОЛ ТОПАЁТГАН МАСКАН

Алоқа ва ахборот технологияларининг мисли кўрилмаган тарзда ривожланаётгани ўз навбатида мазкур юқори техникалар билан бемалол тиллаша оладиган мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ошириб юборди. Мамлакатимизда бундай кадрларни тайёрлашга ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талайгина. Ана шулардан бири Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейидир.

Мирзо Улуғбек академик лицейи 1999 йили ташкил этилган. Айни дамда мазкур лицейда 328 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларга учта йўналиш — аниқ фанлар (физика, математика, она тили ва адабиёт), ижтимоий-гуманитар фанлар (тарих, ҳуқуқ, инглиз тили, она тили ва адабиёт) ҳамда иқтисод (математика, инглиз тили, она тили ва адабиёт) бўйича малакали ўқитувчилар таълим бермоқда.

Лицей ўқувчиларининг ҳар томонлама чуқур билим олишлари, танлаган касбларини мукаммал эгаллашлари учун ўзининг мустаҳкам моддий-техник базасига эга. Умумтаълим фанлари бўйича ўқув хоналари, жумладан, учта компьютер ва иккита лингафон хоналари, иккита кимё ва биология лаборатория хоналари (биттадан махсус препарат хоналари билан) ўқувчилар ихтиёрида. Ўқувчиларнинг журнал ва газеталардан ҳамда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишлари учун ҳам кенг шароит яратилган. Ахборот-ресурс марказида умумтаълим ва чуқурлаштирилган фанлар бўйича 289 дона компакт диск мавжуд.

Ўқув-лаборатория, амалиёт хоналари ҳамда устахоналар амалдаги "Таълим муассасаларини жиҳозлашнинг норматив талаблари"га мос равишда жиҳозланган. Булардан дарс жараёнида самарали фойдаланилмоқда.

Шунингдек, лицейда информатика фани бўйича илмий лаборатория фаолият кўрсатяпти. Лаборатория аъзолари М.Шарипова раҳбарлиги остида қатор илмий-ижодий ишларни амалга оширишган. "MS Access шахсий маълумотлар яратиш", "Power Paint дастурида ТАТУ", "Академик лицей ҳақида маълумот", "Электрон ҳисоблаш машиналари тарихи (Flash дастури)", "Шахсий компьютернинг асосий ва қўшимча қурилмалари", "Саноқ тизимлари ва улар устида амаллар", "WORD матн муҳарририда "Risjovanie" ускуналар панели билан ишлаш", "EXCEL ва формулалар билан ишлаш", "MS-DOS амалиёт тизими" каби илмий-ижодий изланишлар шулар жумласидандир.

— Лицейимиз ташкил этилгандан буён Тошкент ахборот технологиялари университети раҳбарияти бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, фаолиятимизга яқиндан ёрдам бериб келмоқда, — дейди академик лицей директори Нодира УМАРОВА. — Бизда ўқишни истовчи ёшлар сони йилдан-йилга ортиб, лицейимиз ҳам бошқа ўрта махсус таълим муассасалари орасида ўз мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Албатта, булар 35 нафарлик педагогик жамоамизнинг сидқидилдан қилаётган меҳнати самарасидир.

Дарҳақиқат, лицей ўқитувчилари ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашда, уларга асримизнинг энг устувор йўналишлари ҳисобланган информатика ва ахборот технологиялари сирини мукаммал ўргатишда бор тажриба ва маҳоратларини ишга солмоқдалар. Бу борада Д.Асрорқулова, М.Мираҳмедов, М.Ҳайдарова, У.Маликов каби фан номзодлари ва доцентларнинг ҳиссалари, айниқса, катта бўляпти. Жамоа томонидан ўқув жараёнида янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш кенг йўлга қўйилган, ўқитишнинг ноанъанавий усуллари бўйича қатор услубий тавсиялар ишлаб чиқилган. Масалан, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари М.Қодирхўжаева ҳамда В.Абдуллаевалар ўз дарсларида "Ақлий ҳужум", "Тармоқлар", "Муаммоли маъруза", "Кичик гуруҳларда ишлаш", "Сирли рақамлар", "Блиц-ўйин", "Ҳамма ҳаммага ўргатади", "Конференция дарси", "Хулосалаш" каби қизиқарли педагогик технологиялардан фойдаланадилар. Рус тили ўқитувчиси О.Назарова "От игры к знаниям" мавзусида ноъананавий дарс ташкил этган. Инглиз тили ўқитувчиси Ж.Ишханян ўқувчилар билимини баҳолашда "Ўқитувчи пассив - ўқувчи актив", "Ақлий ҳужум", "Сўзлардан гап тузиш", "Мамлакатга саёҳат", "Матбуот конференцияси", "Баҳс-мунозара", "Дебатлар", "Бўш ҳалқа", "Елпиғич" каби янги педагогик технологияларни қўлламоқда. Шунингдек, унинг В.Шекспирнинг 440 йиллигига бағишланган "Театр дарси", О.Генрига бағишланган "Суд дарси", "Singing business contract" бизнес дарси, Британия халқлари маданияти, урф-одатларига бағишланган "Британияни кашф этиш" сингари ноанъанавий усуллари ҳам дарсларнинг қизиқарли бўлишини таъминлайди. Математика ўқитувчиси С.Хаджабагян ўз дарсини викторина сифатида олиб боради. Албатта, ушбу усуллар ўқувчиларнинг билим савиясини оширишда, дунёқарашларини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бундан ташқари, лицей ўқитувчилари ўз фанлари бўйича ўқув қўлланмалар ҳам яратмоқдалар. Физика ўқитувчиси К.Суяров томонидан тайёрланган "Физикадан маърузалар матни", "Физика. Механика ва молекуляр физика", "Физикадан лаборатория ишлари", "Умумтаълим мактабларида физика фанидан лаборатория ишларини ўтказиш бўйича услубий қўлланма", "Физика", "Физикадан тест синови ва масалалар тўплами" каби қўлланмалардан бугунги кунда нафақат ушбу лицейда, балки бошқа таълим муассасаларида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, К.Суяров 2005 йилда "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" республика танловида "Физика" ўқув қўлланмаси учун биринчи ўринни эгаллаб, 1-даражали диплом билан тақдирланган. Домланинг бир қанча илмий мақолалари Ўзбекистон ҳамда Россия Фанлар академияларининг илмий журналларида чоп этилган.

Академик лицейда иқтидорли, истеъдодли ўқувчилар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилади.

2006 йил 6-15 ноябр кунлари академик лицейда фан олимпиадаларининг 1-босқичи ўтказилди. Унда лицей бўйича жами 193 ўқувчи қатнашиб, улардан 76 баллдан юқори балл тўплаган беш ўқувчи 2-босқичга, 24 ўқувчи 3-босқичга йўлланма олди. Учинчи босқичда Ш.Раҳимов физика фанидан, Ш.Ниёзова эса она тили фанидан шаҳарда 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Ўқувчилар орасида ўтказилган "Сиз тарихни биласизми?" кўрик-танловининг туман босқичида мазкур лицей жамоаси 1-ўринни, шаҳар босқичида эса совринли 3-ўринни қўлга киритди. "Интеллектуал олимпиада"нинг шаҳар босқичида 1-ўринни эгаллаб диплом билан тақдирланди. Битирувчиларнинг 80-82 фоизи олий ўқув юртларига, жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университетига, Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали ва бошқа нуфузли олийгоҳларга киришга муваффақ бўлмоқда.

— Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, эл-юрт хизматига шай, эртанги кунга қатъий ишонч руҳида тарбиялаш биз – педагоглардан катта билим ва масъулият талаб қилади, — дейди лицейнинг маънавият ва маърифат ишлар бўйича директор ўринбосари Сайёра ХЎЖАЕВА. — Ўқувчиларимизга нафақат дарс берибгина қолмасдан, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ҳам ҳаракат қиламиз. Лицейимизда бу борада барча шароит яратилган. Байрамлар, машҳур шахсларнинг таваллуд айёмлари тантанали нишонланади. Бу тадбирларга ўқувчиларимиз доимо катта қизиқиш билан тайёрланадилар. Улар орасида кучли истеъдод эгалари кўпки, ўзлари шеър ёзадилар, қўшиқ куйлайдилар, рақсга тушадилар, саҳнада актёрлардек рол ижро этадилар. Бу ҳам биргина лицейимиз ўқувчилари мисолида келажагимиз бўлган ёшларнинг нақадар зукко ва истеъдодли эканлигидан нишонадир.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
"Xabar" мухбири

"СОТКА" ОРТИДАГИ ЖИНОЯТ

...Асакалик Дилмурод Алимов Фарғонага қариндошларини кўргани бордию, киракаш ҳайдовчи қўлидаги "сотка"га "ишқи тушиб" қолди. Нияти бузилиб, ушбу телефонни қўлга киритиш ҳақида бош қотира бошлади...